



МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ЖИПС БЎЛИБ, МИНТАҚАНИНГ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИГА ИНТИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан 2021 йил 5-6 август кунлари Туркманбоши шаҳрида бўлди.

6 август куни Туркманбоши шаҳри яқинидаги "Аваза" миллий сайёҳлик зонасида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учинчи Маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди.

Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов раислик қилган саммитда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, шунингдек, БМТ Бош қотибининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили, Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий марказ раҳбари Наталья Герман иштирок этди.

Марказий Осиё улкан геостратегик ва геоиқтисодий аҳамиятга эга минтақа. Бу ерда 74 миллиондан ортиқ аҳоли яшайди. Уларнинг тарихи ва маданияти, мамлакатларимизнинг иқтисодий ва инфратузилмаси боғлиқ кетган.

Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистон минтақа мамлакатлари билан дўстлик ва яхши қўшничилик тамойилларига таянган ҳолда фаол ва прагматик сиёсат олиб бормоқда. Жумладан, кейинги йилларда сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-логистика ҳамда маданий-гуманитар соҳалар-



иқтисодий ҳамкорлиқнинг янги моделини шакллантириш бўйича қатъий қадамларни тақозо этаётгани таъкидланди. Янги "ўсиш нуқталарини", узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган янги ривожланиш "драйвер"ларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Минтақа ичидаги савдони кенгайтириш зарурлиги, тўлақонли эркин савдо режимига ўтиш мақсадида мавжуд тўсиқларни бартараф этиш муҳим экани қайд этилди. Саноат кооперацияси, инновациялар ва рақамли технологияларни ривожлантириш ҳисобига қўшилган қийматнинг узун занжирларини яратиш мумкин.

Бунинг учун мамлакатларимиз тадбиркорлари ва ҳудудлари ўртасидаги бевосита алоқаларни рағбатлантириш, инвестиция ва иқтисодий форумларни мунтазам ўтказиб бориш лозимлиги таъкидланди.

Президент Шавкат Мирзиёев Савдо-иқтисодий ҳамкорлиқнинг умумий йўналишлари тўғрисидаги битимни қабул қилиш фурсати келганини айтди.

Марказий Осиёнинг транспорт-транзит салоҳиятини самарали ишга солиш минтақа мамлакатларининг умумий стратегик манфаатларига мос келади. Кенг ривожланган ва интеграциялашган транспорт тизими Евроосиё қитъаси-



да икки ва кўп томонлама ҳамкорлик жадал суръатларда ривожланмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан тарихан қисқа муддат ичида Марказий Осиёда принципитал жиҳатдан мутлақо янги сиёсий муҳит яратилди.

Президентимиз бир неча бор таъкидлаганидек, минтақа мамлакатлари олдида умумий саъй-ҳаракатлар билан Марказий Осиёни барқарор, иқтисодий

ривожланган ва юксак тараққий этган минтақага айлантиришдек бош мақсад турибди. Бу мақсадга эришиш, минтақа салоҳиятини тўла юзага чиқариш, ўзаро ишонч, яхши қўшничилик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида Шавкат Мирзиёев 2017 йилда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувини ташкил этиш ташаббусини илгари сурган эди.

Бу ҳаётий ташаббус қардош халқларимизнинг манфаатларига мос бўлгани учун кенг қўллаб-қувватланди ва тезда амалга ошди. Биринчи саммит 2018 йил март ойида Қозоғистон пойтахти Нур-Султон шаҳрида, иккинчиси эса 2019 йил ноябрда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган эди.

Авазада ташкил этилган навбатдаги учрашув ҳам ғоят муҳим ва мазмунли бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўз нутқида умумий сиёсий ирода ва биргаликдаги саъй-ҳаракатлар натижасида бугун минтақамиз яхши қўшничилик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва барқарор тараққиёт маконига айланиб бораётганини таъкидлади.

— Бу ерда янги сиёсий муҳитни шакллантиришда Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Маслаҳат учра-

шувларининг ўрни беқиёс. Олий даражадаги мунтазам учрашувларимиз минтақанинг бетақдор салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари долзарб масалалар юзасидан ўз нуқтаи назарини баён этиб, қатор таклифларни илгари сурди.

Бугунги воқелик Марказий Осиёда

нинг муҳим транзит "хаб"ига айланишга қодир.

Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари мавжуд транспорт йўлакларини ва инфратузилмасини, шу жумладан, Каспий денгизи портлари, йирик транс-чагаравий логистика марказларини имкон қадар тўлиқ қувват билан ишлаш-ни таъминлашга чақирди.

▶ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ

30 йиллигига

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ:

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг эътибори ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши натижасида сўнгги йилларда Жиззах вилояти ижтимоий-иқтисодий ҳаётида мисли кўрилмаган улкан ижобий ўзгаришлар рўй берди, кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди.

▶ Давоми 4-бетда

ИСЛОХОТЛАР ИСТИҚБОЛИ БЎЙ КЎРСАТАЁТГАН ВОҲА

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учинчи Маслаҳат учрашуви

минтақа мамлакатлари ва халқлари келажаги ҳамда фаровонлигини таъминлаш йўлида ҳал қилувчи аҳамият касб этади

Туркманбоши шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашуви халқаро миқёсда ўз акс-садосини берди. Қатор мамлакатларнинг ижтимо-

ий-сиёсий, эксперт-таҳлилий ва илмий-академик доиралари вакиллари "Дунё" ААга ушбу муҳим учрашув юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

▶ Давоми 2-бетда



МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ЖИПС БЎЛИБ, МИНТАҚАНИНГ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИГА ИНТИЛМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

Бундан ташқари, Ўзбекистон келажақда “Термиз — Мозори Шариф — Кобул — Пешовар” трансфтон йўлаги, “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” автомобиль ва темир йўллари имкониятларидан фойдаланиш ниятида. Шунингдек, санитария талабларига риоя қилган ҳолда транспорт қатновларини тўлиқ тиклаш муҳим экани қайд этилди.

Минтақада миллий иқтисодиётлар ва аҳоли сони ўсиши таъсирида энергетик хавфсизлик масалалари тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу муносабат билан умумий энергетика маконини шакллантириш бўйича сайёҳаракатлари давом эттириш, бунда “яшил” энергетика ва энергия тежамкор технологияларни жадал жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Ўзбекистон Президенти Марказий Осиё мамлакатларининг Электр энергетикаси мувофиқлаштирувчи кенгашини фаоллаштириш, унинг мандати ва ваколатларини кенгайтириш ҳамда мамлакатларнинг кенгашидаги вакиллик даражасини оширишни таклиф қилди.

Пандемия шароитида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги муаммолар ўткир тус олганига эътибор қаратилди. Дунёнинг айрим минтақаларида нархлар ўсиши ва асосий озиқ-овқатларнинг етишмовчилиги кузатилмоқда.

Давлатимиз раҳбари минтақа мамлакатлари қишлоқ хўжалиги вазирларининг мунтазам учрашувларини ўтказиш ташаббусини қўллаб-қувватлаб, биринчи йиғилиш кун тартибига озиқ-овқат хавфсизлигини мониторинг қилиш бўйича минтақавий тизимни жорий этиш масаласини киритиш таклифини билдирди.

Бу озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда уларнинг сифатини назорат қилиш, шу жумладан, жаҳон бозорига етказиш бўйича аниқ йўналишлар ва қўшма дастурларни белгилаб олишга хизмат қилади.

Пандемияга қарши курашни мувофиқлаштириш ва ўзаро ёрдам кўрсатиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Шавкат Мирзиёев шу мақсадда тест натижалари ва эмлаш сертификатларини тан олиш бўйича ягона ахборот тизимини ишга тушириш, юқумли касалликларни профилактика, диагностика қилиш ва даволаш, тиббиёт ходимларини тайёрлаш соҳасида тажриба алмашишни кенгайтириш, фармакологияда илмий ҳамкорликни ҳамда ҳаётий муҳим дори воситаларини ишлаб чиқаришда кооперацияни йўлга қўйиш таклифларини илгари сурди.

Давлатимиз раҳбари минтақанинг экологик муаммолари ҳамда диққат марказида бўлиш кераклигини таъкидлади. Бу борадаги ҳамкорлик кўламини кенгайтириш, Орол денгизи ҳалокатининг оқибатларини юмшатиш бўйича барча чораларни кўриш зарур.

Шу маънода Ўзбекистон Президенти мамлакатларимизнинг иқлим ўзгаришларига

мослашишга, ресурс тежовчи технологияларнинг яна кенг жорий этилишига хизмат қиладиган “Марказий Осиё учун “яшил” кун тартиби” минтақавий дастурини ишлаб чиқишни таклиф қилди.

Ўзбекистон етакчиси минтақамиз ва дунёнинг бошқа йирик минтақалари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш муҳим эканини қайд этди. Яқинда Тошкент шаҳрида ўтган Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлиги бўйича халқаро конференцияни қўллаб-қувватлагани ва делегациялари унда фаол иштирок этгани учун давлат раҳбарларига миннатдорлик билдирди.

Умумий сайёҳаракатлар билан ушбу масала борасида БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюцияси қабул қилиниши, бу жараёнда БМТнинг Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази ҳам фаол иштирок этишига ишонч билдирилди.

— Мамлакатларимиз тараққиётида минтақа аҳолисининг аксарият қисмини ташкил этаётган ёшлар муҳим ўрин тутганини барчамиз англаб турибмиз. Бутун дунёда ёш авлоднинг онги ва қалби учун кураш давом этаётган бугунги кунда Марказий Осиё келажагининг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшларимизни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашимиз керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари келгуси йилда Ўзбекистонда Марказий Осиё ёшлари форумини ўтказишни таклиф этди. Бу мамлакатларимиз ҳукуматлари ва ёшлари ўртасида ишонч ва дўстликни мустаҳкамлаш, интерфол мулоқотни йўлга қўйиш учун платформа шакллантиришда муҳим қадам бўлади.

Умумий маданий маконимизни янада ривожлантириш халқларимиз қардошлик муносабатларини мустаҳкамлашнинг муҳим омилidir.

Ўзбекистон Президенти Марказий Осиёнинг маданий меросига бағишланган фестиваллар, маданият ва кино кунларини ўтказиш, биргаликда китоблар нашр қилиш муҳим эканини таъкидлади.

Халқларимизни яқинлаштиришга хизмат қиладиган яна бир омил бу — туризм соҳаси. Минтақа ичида сайёҳлар алмашинувиини кўпайтириш учун қўшимча рағбатлардан фаол фойдаланиш муҳимдир.

Давлатимиз раҳбари туризм хизматларининг доирасини қамраб оладиган “Бир сайёҳат — бутун минтақа” қўшма дастурини амалий рўёбга чиқариш таклифини илгари сурди.

— Бугунги саммит муҳим воқеа — давлатларимиз мустақиллигининг ўттиз йиллиги арафасида ўтаётгани билан алоҳида аҳамият касб этади. Бу йиллар барчамиз учун қийин давр бўлди. Асосий хулоса шуки, биргаликда, жипс бўлиб, бир-биримизни қўллаб-қувватлаб, олдимизда турган муаммоларнинг ечимига эришамиз, минтақанинг барқарор тараққиёти ва аҳоли фаровонлигини юксалтирамиз. Бошқа муқобил йўл йўқ! — деди Президентимиз.

Минтақавий ҳамкорлик жараёнларида барқарор тус бериш, шу мақсадда “халқ дипломатияси”, парламентлар, фуқаролик жамияти институтлари ва медиа соҳаси салоҳиятидан янада кенг фойдаланиш муҳим экани қайд этилди.

— Марказий Осиё аёллари мулоқоти янада ривожланаётгани, гендер тенглик соҳасидаги глобал мақсадларга эришишга қаратилган алоқалар кенгайиб бораётганини олқишлаймиз, — деб таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Парламентаризмнинг роли ортиб бораётганини ҳисобга олиб, Президентимиз Тошкент шаҳрида Минтақавий парламент форумини ўтказишни таклиф этди.

Ўз нутқини якунлар экан, давлатимиз раҳбари Маслаҳат учрашувининг натижалари Марказий Осиёдаги биродар халқларнинг кўп қиррали шериклигини янада мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшишга ишонч билдирди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви доирасида Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов билан учрашув ўтказди.

Мамлакатимиз етакчиси Туркменистоннинг “Аваза” миллий сайёҳлик зонасида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашуви юқори даражада ташкил этилганини, минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашда бу яна бир муҳим босқич бўлишини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Туркменистон Президентлари икки томонлама ҳамкорликнинг долзарб масалаларини, минтақавий ва халқаро даражадаги алоқаларни муҳокама қилдилар.

Давлат раҳбарлари пандемиянинг қийин даврига қарамай, Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатлари мустаҳкамлашиб бораётганини мамнуният билан қайд этилди.

Савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашувда аввал эришилган келишувларнинг бажарилиш ҳолати кўриб чиқилди. Ижобий ўсиш суръатларини давом эттириш учун янги лойиҳалар ишлаб чиқиш, чегарадош ҳудудлар ва ишбилармонлар ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш кераклиги таъкидланди.

Транспорт-логистика инфратузилмасини ривожлантириш, Жанубий Осиё ва Жанубий Кавказ йўлақлари орқали янги ташқи бозорларга чиқиш, шу жумладан, Ашхобод битими мувофиқ халқаро транспорт ва транзит йўлагини яратиш истикболлари муҳокама қилинди.

Мулоқотда бўлажак олий даражадаги учрашувга тайёргарлик масалалари кўриб чиқилди. Ҳамкорликнинг янги “ўсиш нуқталари”ни топиш, самарали лойиҳа ва шартномалар тайёрлаш учун яқин вақтларда Ҳукуматлараро комиссия ва Ишбилармонлар кенгашининг

навбатдаги йиғилишини ўтказишга келишиб олинди.

Маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Учрашув якунида Ўзбекистон ва Туркменистон Президентлари стратегик шериклик муносабатларини халқларимиз фаровонлиги йўлида ўзаро ишонч ва хурмат таъминлаш асосида изчил мустаҳкамлаб бориш борасида қатъий эътиборларини таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров билан музокара ўтказди.

Давлатимиз раҳбари Садир Жапаровни илк бор Маслаҳат учрашувида иштирок этаётгани билан чин дилдан қўтлади ва бу кўп томонлама мулоқот майдони минтақамиз фаровонлиги йўлида мамлакатларимиз сайёҳаракатларини бирлаштиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Учрашувда, аввало, жорий йил 11-12 март кунлари Қирғиз Республикаси Президентининг Ўзбекистонга давлат ташрифи чоғида эришилган келишувлар ижросининг бориши батафсил муҳокама қилинди.

Йил бошидан бўён товар айирбошлаш ҳажми қариб 10 фоизга ортиб, 425 миллион доллардан ошгани мамнуният билан қайд этилди. Иқтисодиётнинг устувор йўналишларида, хусусан саноат, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, машинасозлик ва бошқа тармоқларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бошлаб юборилган. Фаол маданий-гуманитар ва ҳудудлараро алмашинув олиб борилмоқда.

Энергетика соҳасидаги ҳамкорлик, хусусан, Қамбарота-1 гидроэлектр станциясини биргаликда қуриш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари “Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой” темир йўли стратегик аҳамиятга эга экани, уни қуриш бўйича музокараларни жадаллаштириш муҳимлигини таъкидлади.

Қирғизистон Президенти Ўзбекистоннинг минтақада самарали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги амалий сайёҳаракатларини қўллаб-қувватлашини билдирди. Давлатимиз раҳбарининг Марказий ва Жанубий Осиё ҳамкорлигини ривожлантириш борасидаги ташаббуслари минтақамизнинг қардош халқлари манфаатларига хизмат қилишини таъкидлади.

Барча соҳалардаги алоқаларни изчил ривожлантириш учун олий ва юқори даражадаги мулоқотни мунтазам давом эттиришга келишиб олинди.

Учрашувда минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви доирасида Туркменистоннинг шаҳрида ушбу мамлакатларнинг миллий саноат маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилди. Минтақа давлатлари раҳбарлари мазкур кўргазмани бориб кўрдилар.

“Made in Uzbekistan” экспозициясида мам-

лакатимизнинг озиқ-овқат, тўқимачилик, автомобилсозлик, чарм-пойабзал, электр техникаси, кимё, фармацевтика, заргарлик ва қурилиш материаллари каби саноат тармоқлари салоҳияти намойиш этилган.

Кўргазмадан Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон ҳамда Туркменистон маҳсулотлари ҳам ўрин олган. Экспозициялар 8 минг квадрат метрдан зиёд майдонни эгаллаган.

Президентлар маҳсулотлар сифатини кўздан кечириб, ўзаро товарлар етказиб бериш, саноат кооперациясини кенгайтириш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар бердилар.

“Аваза” миллий сайёҳлик зонасида Марказий Осиё халқларининг миллий таомлари фестивали ва тантанали концерт бўлиб ўтди.

Президентлар дастлаб миллий таомлар намуналарини кўздан кечирди.

Сўнг Марказий Осиё мамлакатлари санъат усталари иштирокида тантанали концерт дастури намойиш этилди. Фольклор-этнографик ансамбллар ва эстрада хонандаларининг чиқишлари замонавий сахна безаклари билан ўйғунлашиб, ажиб манзара ҳосил қилди. Миллий куй-қўшиқ ва рақслар халқларимиз бирлиги, маданий яқинлигини аққол намоён этди.

Саммит доирасида “Аваза” миллий туристик зонасида Марказий Осиё мамлакатлари Иқтисодий форуми бўлиб ўтди. Форум иши савдо-иқтисодий ва инвестициявий, энергетика ва кимё, транспорт-логистика соҳаларида ҳамкорлик бўйича тематик сессиялар шаклида ташкил этилди. Ҳар бир сессияда кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришнинг бугунги ҳолати ва истикболлари муҳокама этилди. Шунингдек, минтақа мамлакатлари иқтисодиётларининг янги “ўсиш нуқталари”ни аниқлашга қаратилган аниқ таклифлар кўриб чиқилди. Форум доирасида икки томонлама учрашув ва музокаралар ўтказилиб, кўплаб келишувлар имзоланди.

Маслаҳат учрашуви доирасида Марказий Осиё етакчи аёллари мулоқотининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева иштирок этди.

Тадбирда минтақа давлатлари ўртасида гендер сиёсати соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш, аёлларнинг жамият ҳаётидаги ролини ошириш масалалари кўриб чиқилди. Анжуман якунида Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёллари форуми декларацияси қабул қилинди.

Марказий Осиё давлат раҳбарлари Маслаҳат учрашувининг навбатдаги йиғилиши доирасида ўтказилган ушбу тадбирлар, шунингдек, етакчи аёллар мулоқоти ва минтақа Иқтисодий форуми Президентимиз ташаббуси билан ташкил топган саммитнинг янги босқичга чиққанидан далолат беради.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Туркменистонга ташрифи якунланди.

ЎЗА



“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС



Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учинчи Маслаҳат учрашуви минтақа мамлакатлари ва халқлари келажаги ҳамда фаровонлигини таъминлаш йўлида ҳал қилувчи аҳамият касб этади

Бошланиши 1-бетда

Андрис Америкс, Европа парламентининг Марказий Осиё мамлакатлари ва Мўғулистон билан алоқалар бўйича делегацияси вице-раиси:

— Марказий Осиё минтақаси ва Ўзбекистон ўн йиллардан буюн Европа Иттифокнинг жуда муҳим ҳамкорлари бўлиб келмоқда. Қувонарлиси, минтақа давлатлари етакчилари мунтазам тарзда Маслаҳат учрашувлари ўтказмоқда. Ушбу тадбирларда амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинмоқда, истикболдаги режалар тузилмоқда ва биргаликда ривожланиш ҳамда фаровонлигини таъминлаш учун яна нима-лар қилиш мумкинлиги муҳокама қилинмоқда.

Бу йилги учрашув кун тартибига барқарор ривожланиш, савдо-сотик ҳажмини ошириш, энергетика соҳасида ҳамкорлик қилиш учун қулай шарт-шароит яратиш, транспорт-коммуникация тармоғидаги шерикликини кенгайтириш, пандемияга қарши курашиш бўйича сайёҳаракатларни мустаҳкамлаш ва бошқа долзарб масалалар киритилди.

Саммит натижасида кўп томонлама муҳим ҳужжатлар, жумладан, давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти қабул қилинди. Шу муносабат билан, Европа Иттифоқи Марказий Осиё барқарорлиги ва тараққиётини мустаҳкамлаш бўйича амалий ҳаракатларни қўллаб-қувватлайди.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари механизмининг яратиш 2017 йил БМТ Бош Ассамблеясида Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган эди. Биринчи саммит 2018 йил бўлиб ўтгани минтақа давлатлари ва уларнинг раҳбарларининг ўз халқлари тараққиёти ва фаровонлиги учун яқин ҳамда самарали ҳамкорликка тайёргилини кўрсатди.

Европа парламентининг Марказий Осиё мамлакатлари ва Мўғулистон билан алоқалар бўйича делегацияси вице-раиси сифатида Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган дўстлик ва яхши қўшничилик, ўзаро ишонч ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Марказий Осиё республикаларининг умумий узоқ муддатли манфаатларига асосланган минтақавий ҳамкорлигининг янги истиқболли йўналишларини янада мустаҳкамлашга қаратилган ташаббусларни олқишлайман.

Ильгар Велизаде, “Жанубий Кавказ” сиёсат-шунослар клуби раҳбари:

— Каспий денгизи соҳилида жойлашган “Аваза” миллий сайёҳлик зонасида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви гоят муҳим аҳамиятга эга. Чунки у минтақа давлатлари дунча келаётган геосийсий масалалар шароитида ташкил этилди. Давом этаётган пандемия, Афғонистондаги мураккаб вазият, террорчи тузилмаларнинг фаоллашиши ортида минтақа давлатларининг

ташқи сиёсат бўйича одимлари янада аниқ намоён бўлмоқда. Ушбу сайёҳаракатлар миллий манфаатларни ҳимоя қилиш, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича ўзаро алоқаларни мустаҳкамлайди.

Саммит кун тартибига асосий соҳаларда давлатлараро ҳамкорликни фаоллаштириш, ўзаро муносабатларнинг барқарор механизминини шакллантириш, устувор вазифаларни белгилаш, минтақанинг барқарор ривожланиши учун зарур шарт-шароит яратиш, халқаро жараёнларга интеграциялашув билан боғлиқ кенг қўламли масалалар киритилганини диққатга сазовордир.

Умид қиламизки, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев таклифи билан июль ойида Тошкентда ўтказилган “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” юқори даражадаги конференциясида илгари сурилган барқарор коммуникацияларни яратиш ва уларнинг хавфсизлигини самарали ҳимоя қилиш каби ташаббусларни амалга ошириш йўлида ушбу учрашув муҳим аҳамият касб этади.

Сканд Таял, Ҳиндистондаги “Вивекананда халқаро фонди” таҳлилий марказининг етакчи эксперти, Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги соб-белчиси:

— Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Марказий Осиё минтақасининг барқарор ривожланишини таъминлаш йўлида амалга ошириладиган барча сайёҳаракатлар нафақат Ўзбекистон халқининг, балки бутун минтақа аҳолисининг умид ва интилишларини ўзида ифода этади. Шунинг алоҳида қайд этиш лозимки, Ўзбекистон раҳбари ўз лавозимига сайланган илк кунлардан бошлабқ минтақа мамлакатлари ва раҳбарлари ўртасида доимий мулоқотни йўлга қўйиш, ўзаро



ҳамкорлик алоқаларини мувофиқлаштириш ва уйғунлаштириш бўйича изчил ишларни олиб бормоқда.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг иккинчи Маслаҳат учрашуви 2019 йил ноябрь ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган эди.

Туркменистон ҳудудида бўлиб ўтган навбатдаги учинчи саммит аввалги учрашувларда эришилган келишувларнинг амалда таъбиқ этилишини таҳлил этиш билан бирга дўстлик, яқин қўшничилик ва ўзаро ишонч таъминлашга асосланган муносабатларни янада мустаҳкамлаш ва уларни янги босқичга кўтариш учун замин бўлиб хизмат қилди.

Жорий йил 15-16 июль кунлари Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик масалаларига бағишланган Тошкент конференциясининг якунларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ушбу муҳим тадбирда ҳам икки минтақа ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва транспорт йўлақларини ривожлантириш масалалари давлат раҳбарлари учрашуви кун тартибига муҳим ўрин эгаллади.

Уйлабманки, ушбу Маслаҳат учрашуви давомида эришилган келишувлар минтақа мамлакатлари келажаги, Марказий Осиё халқлари фаровонлигини таъминлаш йўлида ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Макс Сей, “Kingsley Strategic Institute” ижрочи директори:

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг қўшни давлатлар билан муносабатларини ривожлантириш

нинг ўта прагматик стратегияси Марказий Осиёда мутлақо янги муҳит яратди ва бу ўз мевасини бера бошлади. Туркменистоннинг шаҳрида бўлиб ўтган олий даражадаги тадбир шундан далолат бериб турибди.

Ўзбекистон раҳбарининг савдо алоқаларини ошириш, транспорт-транзит салоҳиятини ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, жумладан, бу соҳаларда махсус минтақавий мониторинг тизимини жорий этиш, вирусли касалликларнинг олдини олиш ва даволаш бўйича тажриба алмашиш каби ташаббусларни пандемия билан боғлиқ бугунги мураккаб даврда жуда муҳим ва ўз вақтида амалга оширилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистонда Орол денгизи инқирозининг салбий оқибатларини камайтириш борасида амалга оширилган чора-тадбирларни алоҳида қайд этишни истайман.

Шу муносабат билан “Марказий Осиё учун “яшил” кун тартиби” минтақавий дастурининг ишлаб чиқиши ушбу табиий офат оқибатларини юмшатишга хизмат қилиши шубҳасиз, деб ўйлайман.

Ўзбекистон раҳбариятининг минтақа олдида турган муаммолар ечимига фақат биргаликда эришиш, унинг бақарор ривожланишини таъминлаш ва аҳоли фаровонлигини ошириш мумкинлиги ҳақидаги қарашларига тўлиқ қўшиламан.

“Дунё” АА

МУНОСАБАТ

ХАЛҚЛАРИМИЗ ХОҲИШ-ИСТАКЛАРИ, КЎП ЙИЛЛИК ОРЗУЛАРИ АМАЛГА ОШИШИ ЙЎЛИДА



Анвар НОСИРОВ,
Марказий Осиё халқаро
институтининг директори

Куни кеча Туркменистондаги “Аваза” миллий сайёҳлик зонасида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учинчи Маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди. Минтақамиз етакчиларининг бундай форматдаги учрашувларини ўтказишни Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йили, БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурган эди. Бу таклиф Тошкентнинг минтақавий яқинлашишга қаратилган янги ташқи сиёсати акси эди. Шу маънода, Марказий Осиё ташқи сиёсатининг устувор йўналиши, деб эълон қилинди.

Бу йўлда асосий мақсад қўшни давлатлар билан барча йўналишларда ўзаро манфаатли алоқаларни мустақамлаш учун шарт-шароит яратишга қаратилди. Аслида ҳам, тўғридан-тўғри сиёсий мулоқот ўрнатмасдан режалаштирилган ишларни амалга ошириш мушкул кечарди.

Давлатимиз раҳбарининг таклифи объектив воқеликни акс эттириши ва стратегик жиҳатдан тўғри қадам эканининг ёрқин исботи сифатида кейинги йилдаёқ Қозоғистон пойтахти Остонада биринчи Маслаҳат учрашуви ўтказилди.

Давлат раҳбарлари жуда узоқ вақтдан сўнг илк бор минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари бўйича “соатларни тўғрилаб олди” ва юзма-юз форматда биргаликда очик фикр алмашиш, кооперацияларнинг энг истиқболли йўналишларини белгилаб олиш имконига эга бўлди.

Минтақа давлатлари мақсадлари аниқ ва дўстона экани, тўғри йўл танлангани 2019 йили Тошкентда бўлиб ўтган иккинчи Маслаҳат учрашувида яна бир бор ўз тасдиқини топди. Тошкентда бу учрашувларга мунтазам тус бериш тўғрисида келишувга эришилди, регламент ва Қўшма баёнот қабул қилинди. Бу олий даражадаги мулоқотни танлашнинг ишончли

йўли бўлди.

Шу тариқа Марказий Осиё етакчиларининг сиёсий иродаси туфайли қисқа вақт ичида ҳамжиҳатликдаги муносабатларни сифат жиҳатдан янги даражага кўтаришга муваффақ бўлинди, узоқ йиллар давомида ечимини топмаётган муаммоларни ҳал қилишга киришилди.

Бу рақамларда ҳам ўз аксини топади. 2017-2020 йилларда Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан товар айланмаси деярли икки баробар — 2,7 миллиарддан 5,2 миллиард долларгача ошди. Биргина 2020 йилнинг ўзида рўйхатдан ўтган қўшма корхоналар сони 1274 тадан 1531 тага етди.

Бундан ташқари, сармоявий ҳамкорлик фаоллашиб, инвестицион жамғармаларни яратиш амалиёти кенг тарқалди. Ўзбекистон худди шундай форматда Қирғизистон ва Тожикистон билан ўзаро алоқани бошлади. Қозоқ-қирғиз, қозоқ-тоjik, шунингдек, туркман-қирғиз жамғармалари ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Бугунги кунда ўзаро ҳамкорликнинг идораларо ва ҳукуматларро механизмлари яратилмоқда. Чегара ҳудудлари ҳокимлари кенгаши, қўшма сув ҳўжалиги комиссиялари муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда, давлатлар парламентлари ва ҳукуматлари фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Сиёсий ва дипломатик соҳада, жумладан, халқаро майдонда ҳам кооперациялар кенгайиб борапти. Биргаликдаги саёй-ҳаракатлар билан БМТнинг минтақавий ҳамкорлиқни мустақамлаш, диний бағрикенгликни тарғиб қилиш, туризмини ривожлантириш ва Орол муаммосини ҳал қилишга қаратилган туртта резолюцияси қабул қилинди.

Бунда ҳамкорликнинг барча даражаларда ижобий динамикага эга бўлиши, айниқса, муҳим. “Халқ дипломатияси” жадал ривожланимоқда. Тарихан яқин маданий-гуманитар алоқаларни мустақамлаш имконини берувчи маданият қўнлари ва турли маданий фестиваллар мунтазам ўтказилиб келинмоқда.

Кеча Авазадаги Маслаҳат учрашуви доирасида бир қатор бошқа мазмундаги тадбирлар ҳам ўтказилди. Иқтисодий форум, миллий товарлар, таомлар кўргазмаси, Етақчи аёллар мулоқоти учрашувлари, минтақа мамлакатлари санъат усталари концерти шулар жумласидан. Бу олий даражадаги конструктив мулоқот ҳамкорликнинг амалий ривожланиши учун зарур замин ҳозирлашини яна бир бор тасдиқлайди.

Ишонч билан айта оламизки, минтақавий яқинлашувнинг асосий мақсадларидан бирига эришилди — қардош халқларимиз ҳеч қандай муаммосиз ва сунъий чекловларсиз мулоқотга киришди. Айни дамда ҳали олий мақсадларимиз кўпчилигини ҳам қайд этиш ўринли. Зеро, ўзаро ҳамкорликдаги ҳаракатлар учун жуда улкан салоҳият мавжуд ва бу яқин истиқболга мўлжалланган.

Ана шу муддаони Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз маърузасида ёрқин ифодалади. Эълон қилинганидек, ҳамкорлигимизни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш заруратини вақтнинг ўзи тақозо этмоқда.

Бугун нафақат Марказий Осиё, балки бутун дунё миллий хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида кўплаб хатар ва таҳдидларга дуч келмоқда. Терроризм, экстремизм, наркотрафик каби аънавий муаммоларга янгилади қўшилмоқда. Ҳаётимизнинг барча жаҳаларига таъсир қилган пандемия заиф нуқталаримизни ҳам кўрсатиб берди.

Бугун барқарор ривожланиш учун, мамлакатларимиз бир-бирини хабардор қилган ҳолда, янги шароитда биргаликда ҳаракат қилиши, янги воқеликка

мослашиши лозим. Бу вазифаларни ҳал этиш Президент Шавкат Мирзиёев нутқининг асосига айланди. Шу билан бирга, Ўзбекистон таклифларининг амалга оширилиши минтақадаги барча мамлакатлар манфаатларига жавоб беришини алоҳида таъкидлаш керак.

Давлатимиз раҳбари минтақа тараққиётига қаратилган қатор ташаббусларни илгари сурди. Ўзаро ҳамкорликнинг барча соҳаларига эътибор қаратди. Назаримизда, таклифлар ўзаро чамбарчас боғлиқ, бу эса, Ўзбекистоннинг минтақа давлатлари билан муносабатларни ўрнатилда стратегик ва узоқни кўзлаб қилинган ёндашувини намойиш этади.

Жумладан, бу тўлақонли эркин савдо режимини шакллантириш, тарифли ва тарифсиз тўсиқларни бартараф этиш, инвестицион-иқтисодий форумларни мунтазам ўтказиш, минтақавий савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг умумий йўналишлари тўғрисидаги келишувни қабул қилиш, ушбу соҳада узоқ муддатли ўзаро ҳамкорлиқни мустақамлаш бўйича келишилган чора-тадбирлар мажмуини амалга оширишни ҳам таъминлайди. Шунингдек, ҳар бир мамлакатга алоҳида манфаатли соҳаларни амалга ошириш имконини беради.

Юқорида таъкидланганидек, бугунги кунда санитария-эпидемиологик вазиятни имкон қадар тезроқ меъёрлаштириш масаласи ҳам кўндаланг турибди. Шу муносабат билан Президентимиз тест олиш натижалари ва эмлаш сертификатларини ўзаро тан олиш учун ягона ахборот тизимини жорий этиш, шунингдек, юқумли касалликларнинг олдини олиш ва даволаш, тиббиёт ходимларини тайёрлаш соҳасида тажриба алмашиш, биргаликда дори-дармон ишлаб чиқаришни таклиф этди.

Энергетика соҳасидаги ҳамкорлик, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, парламент ва ёшларнинг ўзаро ҳамкорлигига ҳам эътибор қаратилди.

Йилгики яқунлари бўйича Қўшма баёнот қабул қилинди. У минтақада тинчлик, барқарорлик ва хавфсизлиқни таъминлаш йўлида ҳамкорлиқни давом эттириш ниятини қатъий тасдиқлайди. Бу ушбу мулоқот платформасига бўлган талабнинг ортиб бораётганини кўрсатади.

Шу ўринда яна бир бор таъкидлашни истардикки, Ўзбекистон минтақавий йўналиши бир томонлама фойда олишни ўз олдига мақсад қилиб қўймайди. Биз Марказий Осиёни тинчлик, фаровонлик, барқарорлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик минтақасига айлантиришдан манфаатдоримиз.

Президентимизнинг шахсий ташаббуси билан яратилган Марказий Осиё халқаро институтини (МОХИ) ҳам, ўз навбатида, бунга муносиб ҳисса қўшмоқда. Минтақани ҳар томонлама пухта ўрганадиган институтни ташкил этиш ташаббуси сиёсатимизнинг мантикий давомидир.

МОХИнинг асосий вазифаси минтақадаги барча мамлакатлар манфаатларини ҳисобга олувчи амалий таклифлар ишлаб чиқиш, ривожланишга қўмаклашиш ва юзага келаётган хатар ва таҳдидларни бартараф этишга ёрдам беришдан иборат. Шу мақсадда институт Марказий Осиёнинг таълимий тузилмалари билан фаол ҳамкорлик қилади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан йўлга қўйилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари минтақа халқларининг хоҳиш-истаклари, кўп йиллик орзулари амалга ошириш учун хизмат қилади ва давлатларимиз иқтисодиёти юқалиши, тинчлик ва оқсоқилликни таъминлашда олий мақсадларни бирлаштиради.



Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамасида

Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4896-сон қарори ижросининг ҳолати, шунингдек, Гидрометеорология хизматини ривожлантириш концепцияси доирасида белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда, Ўзгидромет раҳбарияти ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлиги юзасидан ҳисоботлар эшитилди.

Раёсат мажлисида гидрометеорология хизматининг аграр, энергетика, транспорт соҳаси учун аҳамияти таъкидланди ва гидрометеорологик хизматлар сифатини яхшилаш орқали соҳалардаги самарадорлиқни ошириш имкониятлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланган 2020-2025 йилларда гидрометеорология хизматини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”, Гидрометеорология хизмати марказининг қузатув тармоғини кенгайтириш ва автоматлаштириш дастури, ҳар бир ҳудуддаги гидрометеорология бошқармасини ривожлантиришга қаратилган алоҳида дастурлар бажарилишининг ҳолати ва натижадорлиги атрофлича кўриб чиқилди.

Кўрсатилган дастурий ҳужжат ижроси доирасида Ҳукуматнинг “Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази ҳузурда “Гидрометеорологияда ахборот технологияларини ривожлантириш маркази” давлат муассасаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Гидрометеорология хизмати аълочилиги” кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида”ги қарорлари қабул қилингани қайд этилди. Бугунга келиб, метеорология станциялари сони 70 тадан 75 тага, қор қўчки станциялари сони 3 тадан 5 тага ошди, автоматлаштирилган метеорологик станциялар улуши 14 фоиздан 70 фоизга етказилди. Натижада турли барвақтликдаги об-ҳаво прогнозлари ишончлиги даражаси суткалик — 88 фоиздан 92 фоизга, 2-3 суткалик — 85 фоиздан 90 фоизга, 4-5 суткалик — 83 фоиздан 88 фоизга, шорим огоҳлантиришлар бўйича — 85 фоиздан 90 фоизга етказилди.

Жаҳон банки билан ҳамкорликда 50 та

автоматик метеостанциялар, шунингдек, “Замин” халқаро жамоат фонди маблағларини жалб этиш ҳисобига 2 та автоматлашган атмосфера ҳавоси ифлосланиши мониторингини станциялари ўрнатилди.

Соҳада IT-технологияларини жорий этиш орқали автоматик метеостанциялар қузатув тармоқларидан олинган маълумотларни марказга 10 дақиқа вақт оралиғида доимий GSM/сунъий йўлдош орқали узатиб борилиши йўлга қўйилди.

Аҳоли яшаш пунктларида ҳаво сифатини мониторинг қилиш натижалари ҳамда гидрометеорологик маълумотлар визуаллаштирилган веб-сайт ва геопортал яратилди, шунингдек, веб-сайтнинг мобиль иловаси ишга туширилди.

Эришилган ижобий натижалар билан бирга, гидрометеорология хизматини ривожлантириш бўйича қабул қилинган муҳим чора-тадбирларнинг ижро амалиётида мавжуд камчиликлар ва уларни бартараф қилиш чоралари муҳокама қилинди. Бунда, қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилди:

гидрометеорология станциялари инфратузилмасини яхшилаш мақсадида марказлашган манбалардан ажратилган маблағларнинг мақсадли ва самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

метеорология станциялари сони 80 тага, қор қўчки станцияларини 5 тага, фуқаро авиацияси метеорология станцияларини 13 тага, агрометеорология постларини 35 тага, метеорологик радиолокаторларни 5 тага, гидрология постлари сони 137 тага етказиш;

Бухоро ва Наманган вилоятларида 1 тадан метеорологик радиолокатор тармоғи ўрнатиш ишларини яқунлаш; автоматлаштирилган метеорология станциялари улушини 80 фоизга, қор қўчки станциялари улушини 50 фоизга, агрометеорологик постлар улушини 34 фоизга етказиш;

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Гидрометеорология факультетини ташкил этиш ҳамда факультетда Россия давлат гидрометеорология университети билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари асосида гидрометеорология йўналишида кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш бўйича келишув асосида 2021/2022 ўқув йилидан эътиборан кадрлар тайёрлашни бошлаш.

Муҳокамалар натижаси бўйича Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг тегишли қарори қабул қилинди.

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА



Феруза ЖЎРАЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Гуллар инсон кайфиятини кўтариб, тароват билан кўзни қўнатиб, руҳий тетиклик, эстетик завқ бағишлайди. Ноёб касблардан бири бўлган гулчилик аслида рентабелли бизнес саналади, қўлай томонини йирик ер майдони ва катта харажат талаб қилмайди.

Жорий йилнинг 4 август куни Президентимиз томонидан “Республика ҳудудларида гулчилик ва қўнатилик соҳасини янада ривожлантириш тўғрисида”ги қарор қабул қилинди. Республикада соҳани ривожлантириш, маҳаллий ва хорижий гул навларини парваришлаш, аҳоли ўртасида гулчилик сир-асорини оммалаштириш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари экспорт салоҳиятини янада мустақамлаш мақсадида қабул қилинган ҳужжат соҳада фаолият юритаётганлар учун бир қанча қўлайликлар яратди. Қарорда Гул етиштирувчилар уюшмаси ташкил этилганлиги таъкидланган. Бундан маълумки, тадбиркорлик субъектлари гул ва қўнати етиштириш борасида билим ва кўникмага эга бўлиши

ГУЛЧИЛИК:
КИЧИК МАЙДОНДАН КАТТА

учун ўқитилиб, малакасини ошириш мақсадида хорижий мамлакатлардан малакали мутахассислар жалб қилинади.

Ҳўжжатга кўра, Андижон вилоятининг Андижон, Избоскан ва Олтинқўл туманлари, Наманган вилоятининг Наманган ва Давлатобод туманлари ҳамда Жиззах вилоятининг Зомин ва Ғаллаорол туманлари гулчиликка ихтисослаштирилиши мазкур ҳудудлардаги тадбиркорларга талайгина имкониятлар беради. Уларга фаолиятларини кенгайтиришлари учун 1 гектаргача ер майдонлари очик электрон танлов орқали 30 йилга ижарага берилади. Бу албатта, катта имконият. Қолаверса, “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида ажратилган маблағларнинг камида 10 фоизи гулчилик лойиҳаларини ташкил қилиш учун ажратилиши ҳам аҳолимиз учун яна бир қўлайликдир.

Ҳўжжат “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га кирилган фуқароларга ҳам бир қанча имтиёзлар бериши билан ҳам аҳамиятли. Улар учун гулчиликка ихтисослаштирилган ҳудудларда гул етиштириш бўйича агротехник тадбирларни ўргатиш мақсадида ҳар бирининг майдони 2 сотих бўлган 25 та “Гулчилик ўқув полигон”лари ташкил этилади.

Гулчилик катта даромад келтирадиган соҳа. Кичик майдондан ҳам унумли фойдаланиш имконини берганга босис, сўнгги йилларда унга қизиқиш тобора ортмоқда.

Жиззах вилояти Шароф Рашидов туманида яшовчи Моҳира Абдужабборовна етти сотих

лик томорқада учта иссиқхона ташкил қилган. Мана шу ердан йилига икки марта ҳосил олиб, ўртача 80 миллион сўмгача соф фойда кўради. Меҳнаткаш оила бу иш билан ўн беш йилдан буён шуғулланади. Оила бекаси бошчилигида гулларнинг энг ноёб турлари — қора шаҳзода, ҳамедория пальмаси, алёндра, геран, филодендрон, хитой лоласи, бенджамин, фикус турлари парвариш қилинмоқда.

— Аслида бу иш ҳаваскорликдан бошланган, — дейди Моҳира опа. — Ундан катта даромад олиш мумкинлигини билганимиздан сўнг гулчиликни кенгайтирганмиз. Ҳозир иссиқхоналаримизда 6 киши иш билан банд. Гул етиштириш жуда ҳам оғир меҳнат талаб қилмайди. Муҳими, уларнинг “тилини тушуниб”, меҳр берсангиз бас. Шунинг ортидан келаётган даромад сабаб уч қиз, бир ўғлимни тўйини қилдик, Ҳаж сафарини адо этдик. Уй солиб, машиналар оляпмиз. Гулчилик илмига қизиқишим баянд. Президентимизнинг қуни кеча эълон қилинган соҳага доир қароридан қувондим. Уюшма ташкил этилиши, тадбиркорларга ер майдонлари ажратилиши, гулчилик соҳасига оид семинар, анжуман, ярмарка ва кўргазмалар ташкил қилиниши бизнинг билим ва малакамизни янада оширишга хизмат қилади. Бу йўналишнинг иқтисодий ривожланишига хизмат қилади. Қувонарлиси, хорижий мамлакатларда ўтказиладиган ярмарка ва кўргазмаларда ҳам иштирок этишимиз мумкин.



Моҳира опанинг хонадониде кишин-ёзин баҳорий муҳит ҳўкмрон. Тувақларда етиштириладиган гулларнинг яна бир афзал томони шунда эканки, улар мавсум танламайди. Тўрт фаслда ҳам етиштириш, бозорга олиб чиқиш мумкин. Иссиқхоналарнинг ҳар бирида 5 мингтадан гул бўлиб, бошқа вилоятларга ҳам етказиб берилади. Моҳира опанинг хонадонидеги бараканинг боиси, бу меҳнатсеварлик, бирдамлик ва ерга бўлган меҳр. Мана шу омиллар хонадонга тўқинлик олиб кирмоқда.

Андижон шаҳрида яшовчи Наврўз Маҳмудов ҳаётий тажриба ва илмий изланишлар туфайли жаҳон бозорига бренд макромига эга гулларни ўзимизнинг шароитимизга мослаштириб, парваришлаб келмоқда. Ландшафт дизайн яратишга қизиқиши баяндлиги боис хонадон томорқасида — мўъжазгина иссиқхонада пальма, виола, питония, магнолия, атиргул сингари 100 турдан ортиқ мавсумий ва кўп йиллик гулларни етиштириб, сотишни йўлга қўйган. Кафтдек ерда Голландия, Италия ҳамда дунёнинг турли қитъаларидан келтирилган энг ноёб гуллар ҳамда арчаларнинг бир неча турлари парвариш қилинмоқда. Оиланинг барча аъзолари гул етиштиришнинг ҳадисини олган. Муҳими, ёшларда ҳам ишбилармонлик кўникмаси шаклланиб, суяғи фойдаланишда олган қўнати.

— Хонадон кўрки бўлган гуллар саломатлик учун ҳам қўнати фойда, — дейди Наврўз ака. — Қўлай томони гулчиликни бошқа касб билан биргаликда ҳам юритиш мумкин. Рўзгор бутлиги, дастурхон тўқинлигининг асосий омилли — томорқа. Оиламиз фаровонлиги гулчилик ортидан таъминланаяпти. Агар қимми, кичик ердан фойдаланиб, тўқ ва фаровон яшаш мумкин эмас, деса мен бу фикрга қўшилмайман. Мўъжазгина томорқада катта ишларни амалга оширса бўлади. Халқимиз азалдан деҳқончиликда намуна бўлиб келган. Давлатимиз томонидан берилётган имкониятлар соҳанинг янада ривожланишига хизмат қилади.

Таъкидлаш жоиз, жорий йилда Президентимизнинг Андижон вилоятига ташрифи чоғида истиқболли йўналиш — гулчиликни ривожлантириш, туманларда кластер усулини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилган эди.

Гуллар қимматбаҳо саноат хомашёси ҳамдир. Фармацевтикада, ранг-бўёқ ва парфюмерия маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кенг фойдаланилади. Яхшигина даромад манбаи бўлиши билан бирга хонадонимизни, кўнглимизни обод қиладиган соҳа янада тараққий этишига ишонамиз. Бу борада имкониятлар етарли. Ризқ-рўз, даромад манбаи ҳамда бандлиқни, арзончиликни таъминлашнинг муҳим омилли бўлган ердан унумли фойдаланасак бас.



ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ:



Эргаш САЛИЕВ,
Жиззах вилояти ҳокими

Асрга тенг беш йил

Бошланиши 1-бетада

2016-2021 йиллар давомида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулоти 9,1 триллион сўмдан 17,5 триллион сўмга ёки 1,5 баробарга ўсди. Саноат, қишлоқ ҳўжалиги, қурилиш, хизмат кўрсатиш, чакана савдо соҳаларида сезиларли даражада ривожланиш кузатилди. Айниқса, асосий капиталга инвестиция киритишнинг 5,1 баробар ошгани, хорижий инвестиция ва кредитларни жалб қилиш 16,9 мартага кўпайгани диққатга сазовор. Бу рақамларга вилоятимизнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар киритиш борасида пойтахт Тошкент шаҳридан кейин иккинчи ўринда, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса биринчи поғонада турганини ҳам алоҳида қўшиб ўтган бўлар эдим.

Ҳақиқатан ҳам, сўнгги даврда Жиззахнинг саноат салоҳияти сезиларли мустаҳкамланди. Охириги уч-тўрт йил ичида бу соҳада 13 триллион 321 миллиард сўмлик 458 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди. Натижада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2016 йилга нисбатан 1,2 баробарга ошиб, ўн минглаб янги иш ўринлари яратилди.

Вилоятда илгари ишлаб чиқарилмаган цемент, автомобиль ва улар учун эҳтиёт қисмлар, ип-калава, трикотаж, ойна маҳсулотлари, гранит плиталар, қуёш батареялари, аккумуляторлар моноблоклари, оптик тоғали кабель, томчилатиб сўғориш жиҳозлари, бир марталик тиббий шприцлар, стоматологик пломбалар, турли дори-дармонлар, сунъий қолламали тўшамалар каби кўплаб янги маҳсулот турлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бу борада “Жиззах” эркин иқтисодий зонаси ҳудудида амалга оширилган ва оширилаётган ишлар эътиборга лойиқ. Биргина “AMD-Jizzakh” корхонаси томонидан қуввати 20 мингта автомобильга мўлжалланган 7 турдаги KIA автомобиллари, “Ауто пад систем” қўшма корхонасида эса Марказий Осиёда ягона ҳисобланган автомобиллар учун тормоз колодкалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилганини эслаш kifоя.

Вилоятда 2017 йилда 13 та кичик саноат зонаси мавжуд бўлган бўлса, ҳозирда уларнинг сони 23 тани ташкил этади. Шу кунгача ушбу кичик саноат зоналарида режалаштирилган 70 та лойиҳанинг 42 таси амалга ошди.



Саноатни маҳаллийлаштириш борасида ҳам эътироф этишга арзирли ишлар амалга ошириляпти. 2017–2020 йилларда 55 та корхона томонидан 109 та лойиҳа ишлаб чиқаришга жорий этилди. Улар томонидан 1,2 триллион сўмлик маҳсулотлар тайёрланди, салкам 116,5 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

Ўрни келганда таъкидлаш керакки, тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини янада қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қатор имтиёз ва преференциялар самараси яққол намоён бўлаётир. Чунончи, бундай енгилликлар натижасида воҳамизнинг экспорт географияси сезиларли даражада кенгайди. Бугунги кунга келиб қарийб 40 та давлатга “Жиззахда ишлаб чиқарилган” бренди билан маҳсулотлар етказиб берилмоқда.

Сўнгги йилларда аграр соҳада пахта, ғалла, пилла ва такрорий экинлардан ҳар қачонгидан юқори ҳосил олинди, гўшт, тухум, картошка, сабзавот, мева етиштириш борасида сезиларли ўсишга эришилди. 90 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати, 38 минг гектар ернинг сув таъминоти яхшиланди.

Хизматлар соҳасида эришилган ютуқлар ҳам салмоқли бўлди. Ушбу йўналишда 1254 та лойиҳа амалга оширилди, 6,5 мингга яқин янги иш ўрни яратилди.

Энг муҳими, иқтисодиётнинг мўътадил ўсиб бориши, ўз-ўзидан, вилоят аҳлининг турмуш фаровонлиги янада яхшиланиши, ижтимоий, маданий-маърифий, туризм, ишбилармонлик, спорт ва бошқа соҳаларнинг ривожланишига замин бўлмоқда.

Бундан беш йил аввал Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида сўзлаган илк нутқида:

“Халқ билан мулоқот, одамларнинг ичига кириш, уларнинг дарду ташвишлари билан янаша, инсон манфаатларини таъминлаш — бу биз учун фақат бир йиллик иш эмас.

Бу масала келгуси беш йиллик фаолиятимизда ҳам энг устувор вазифа бўлиб қолади ва бу ҳақиқатни ҳаммамиз чуқур тушуниб, яхши англаб олишимиз шарт. Чунки биз юртимизда янги давлат, янги жамият қуриш йўлида қандай иш қилсак, уларнинг барчасини халқимиз билан бамаслаҳат қиламиз. Халқ рози бўлса, ишимизда унум ва барака бўлади. Халқ биздан рози бўлса, Яратган ҳам биздан рози бўлади!” деган эди.

Баралла айтишимиз мумкинки, ана шу одилона сиёсат ўтган йиллар ичида Жиззах вилоятида ҳам ўзининг ёркин ифодасини топди.

Биринчи галда ижтимоий соҳани ислоҳ қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Республика бюджетидан инвестиция ва бошқа мақсадли дастурлар доирасида янги ижтимоий соҳа муассасалари — мактабгача таълим ташкилотлари, умумтаълим мактаблари, соғлиқни сақлаш муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш учун жами 901 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Битта мисол: 2017 йилда мактабгача таълим билан қамров даражаси 19,5 фоизни

ташкил этган бўлса, бугун 70 фоизга яқинлашиб қолди.

2020 йил пандемия шароитида ҳам аҳоли бандлигини таъминлаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш бош мақсадимизга айланди. Бунинг учун вилоят сектор раҳбарлари бошчилигида ташкил этилган ишчи гуруҳлар томонидан ҳудудлар қайта хатловдан ўтказилиб, эҳтиёжманд оилалар сони аниқланди ва “Темир дафтар”га киритилди. Қайта хатлов натижасида 17 минг 57 та эҳтиёжманд оилда 75 минг 845 нафар фуқаро, шундан 22 минг 133 нафар меҳнатга лаёқатли экани аниқланди.

Бугунги кунга қадар амалга оширилган ишлар натижасида 96,6 фоиз кам таъминланган оилаларнинг 100 фоиз ишсиз аъзолари ишга жойлаштирилди, бунинг натижасида “Темир дафтар” рўйхатидан чиқарилган оилалар 93,7 фоизни ташкил этиди.

Худудларни ривожлантириш, аҳолини доимий даромад билан таъминлашда асосий эътибор йиллар давомида шаклланган кўникмалар, маҳалланинг мавжуд имкониятлари, географик жойлашувидан келиб чиқиб ташкил этилган “маҳаллабай” усули самара берди.

Вилоятдаги мавжуд 295 та маҳаллада 278 та доимий вакил, 52 та секторнинг ҳар бирида 5-8 нафар иқтисодий комплекс раҳбар ҳодимидан иборат бошқарув офислари, туман (шаҳар) ҳокимларининг молия-иқтисод ва камбағалликни қисқартириш бўлича биринчи ўринбосарлари раҳбарлигида 16-21 нафардан иборат ҳудудий мувофиқлаштирувчи гуруҳлар ташкил этилди.

Улар томонидан шаҳар ва туманлардаги хонадонларнинг 97,7 фоизи ўрғанилганда 26 минг 724 нафар фуқаро ишга жойлашиб, 21 минг 94 киши тадбиркорлик билан шуғулланиш, 12 минг 957 нафари шахсий томорқани ривожлантириш истагини билдирди. Қўрилган чора-тадбирлар натижасида ушбу фуқароларнинг 85 фоизга яқини иш билан таъминланди.

Келгуси беш йилда янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технология янгилаш бўйича 46 триллион 800 миллион сўм қийматидаги 6 256 тадан ортиқ инвестицион лойиҳа амалга оширилади.

2026 йилга бориб 201 минг ишсиз аҳолини иш билан таъминлаш имконияти яратилиб, ишсизлик даражасини бугунги 11 фоиздан 1,5 фоизга тушириш чоралари қўрилади. Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 1,7 баробарга кўпайиши, шунга қўра, саноат, истеъмол товарлари, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари, хизматлар кўрсатиш ҳажмининг сезиларли ошиши кутилмоқда. Аҳоли жон бошига даромадлар 2,3 марта кўтарилари.

Бундай юқори маррага эришиш учун 2022–2026 йилларда вилоятни комплекс ривожлантириш, аҳоли ҳаётини яхшилаш бўйича энг муҳим йўналиш ва вазифалар белгиланди. Хусусан, саноатнинг автомобилсозлик тармоғи жадал ривож топади. “ADM Jizzakh” МЧЖ, “Auto Motors Asia” МЧЖ ва “Жиззах Автомобиль Заводи” МЧЖ томонидан турли русумдаги автомобиллар ишлаб чиқариш лойиҳалари амалга оширилади. “Жиззах” ЭИЗ ҳудудида фақат автомобильларни йиғиш эмас, балки барча қисмларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш мақсадида 2025 йилга қадар автомобилсозлик кластерини ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилади. Бунда, вилоятнинг 95 та қазилма конларидан 56 тасидан фойдаланиш кўзда тутилмоқда. Зафаробод ва Форш туманларида базальт толаси ва ундан турли қурилиш материаллари, диабаз толасидан геосетка ва геотекстиль, цемент, ишлаб чиқариш каби истиқболли лойиҳалар амалга оширилади.

Енгил саноат соҳаси ҳам ривож топади. Вилоятда ишлаб чиқариладиган 220 минг тоннадан ортиқ пахта толасини шу ернинг ўзида тўлиқ қайта ишлаш, пахта хомашёсини истеъмолга тайёр маҳсулот даражасига етказишгача бўлган жараёни йўлга қўйиш учун 375 миллиард сўмлик 12 та йирик корхона ташкил этилиб, аввалдан мавжуд 71 та фабриканинг тўлиқ қувватда ишга тушиши таъминланади.

Қишлоқ ҳўжалиги соҳаси, жумладан чорвачилик ва мева-сабзавотчилик тармоқлари жадал ривожлантирилади. Бу соҳада қиймати 11,1 триллион сўмлик 606 та лойиҳа амалга оширилади.

Ва ниҳоят, яна бир муҳим йўналиш — сайёҳлик соҳасини изчил ривожлантириш чоралари қўрилади. Халққаро ва замонавий туризмнинг талаб ва меъёрларига тўлиқ жавоб берадиган “Зомин” туристик-рекреацион зонаси, Бахмал, Арнасой, Зафаробод ва Форш туманларида рекреацион туризм марказлари барпо этилади...



Инновацион лойиҳа: қовундан мармелад

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 1 апрелдаги “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонига биноан мамлакатимизнинг бир қатор туманлари қаторида Жиззах вилоятининг Дўстлик тумани ҳам инновацион ҳудудлар рўйхатида киритилди.

— Айтиш жоизки, ушбу туманда Президентимиз фармони ижросини таъминлаш борасидаги ишлар тез фурсатда авж олиб кетди. — дейди Жиззах инновацияни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси бошлиғи Манур Мусаев. — Инновацион ривожланиш вазирлиги, вилоят ва туман ҳокимликларининг масъулларидан ташкил топган ишчи гуруҳ тузилиб, Дўстликни инновацион ҳудудга айлантириш бўйича 2021-2022 йилларда амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури белгилан олди. Биринчидан, туманинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари таҳлилига таянилган ҳолда, ҳудуд иқтисодиётининг етакчи йўналишлари ҳамда ўсиш нуқталари аниқланди.

Яна бир жиҳатга эътибор қаратган бўлардик. Ушбу дастурни ҳаётга татбиқ қилишда вилоятдаги олийгоҳлар — Жиззах давлат педагогика институти, Жиззах политехника институти ва Мирзо Улўғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Жиззах филиали олим ва мутахассисларининг илмий-амалий тажрибасига катта ишонч билдирилди.

Энди дастур бўйича амалга оширилаётган режа ва лойиҳалар ҳусусида. Бу борада халқимизнинг “Етти ўлчаб, бир кес!” мақолига амал қилинди. Иш дастурга оид дастлабки шартнома ва келишув ҳужжатларини тасдиқлаш, ташкилий тадбирларга эътибор беришдан бошланди. “Электрон кўнғирок”, “Интеллектуал камера”, “Wi-Fi Hotspot”, “Ақли бекат”, “Инноофис”, “Ақли пьедестал йўлга”, “Дўстлик туманининг веб-сайти” каби лойиҳалар ишлаб чиқилди. Уларни амалга ошириш учун маҳаллий бюджетдан, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вилоят бошқармаси томонидан ажратилган ҳамда ташаббускор тадбиркорларнинг 326 миллион сўмга яқин маблағи сарфланди.

Бу ишлар билан ёнма-ён тарзда дастурга қизиқиш билдирган ва унга ҳамоманг тарзда ўз лойиҳаларини амалга оширмоқчи бўлган маҳаллий тадбиркорлар билан мулоқотлар, учрашувлар ўтказилди. Ишбилармонларга ер ажратиш масаласи ўртага ташланди.

IT паркиннг Жиззах филиали ва вилоят Инновацион ривожланиш бошқармаси билан ҳамкорликда воҳадаги ёшларнинг стартап лойиҳалари, инновацион гоғалари



Бундан уч йил аввал Ўзбекистонда мисли кўрилмаган катта лойиҳа — “Обод қишлоқ” давлат дастури амалга оширилади бўлди. Ушбу хайрли ишнинг бошида шахсан Президентимиз тургани эса дунё жамоатчилигининг эътиборини ўзига тортиди.

Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган “Адабий дўстлик — абадий дўстлик” шиори остида қардош халқлар адабий ташкилотлари ўртасида йўлга қўйилган ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида мамлакатимизга ташриф буюрган Қирғизистон Миллий ёзувчилар уюшмаси делегацияси ушбу давлат дастурига тамал тоши қўйилган Манас қишлоғида бўлганида бу ерда амалга оширилган ишларга юксак баҳо берган эди.

— Аввало Манас қишлоғининг ободлиги, бу ерда одамларнинг яшаши учун яратилган шарт-шароит, қўлайликлар ҳавас қиларли даражада эканлигидан лол қолдик, — деган эди ўшанда Қирғизистон Миллий ёзувчилар уюшмаси раиси Нурланбек Қаллибеков. — Манасликлар қирғиз халқининг миллий, тарихий маданиятини, қадриятларини сақлаб келаётгани, Ўзбекистонда бунинг учун барча шароитлар яратилгани бизни мамнун айлди.

Ҳақиқатан ҳам, “Обод қишлоқ” дастури орқали тилларда дoston бўлган Манас нафақат обод ва фаровон маскан, балки, чинакам дўстлик ва ҳамкорлик гўшаси сифатида ҳам шуҳрат қозонди. Бу қишлоқда, халқона тил билан айтганда, “бир ёқадан бош чиқариб” иш тутишининг афзалликлари намоён бўлди. Унда якунига етган бунёдкорлик ишларига Ўзбекистоннинг барча ҳудудлари вакиллари, турли миллат ва элатларнинг фарзандлари ўз ҳиссаларини қўшишди.

ни қўллаб-қувватлаш мақсадида турли танловлар ўтказилди.

Хўш, ушбу гоға ва лойиҳаларнинг мақсади қандай, мазмун-моҳияти нимадан иборат? Уларнинг биргина мавзусини санаб ўтишнинг ўзи ушбу саволга батафсил жавоб бериши мумкин.

Жўмладан, лойиҳаларда шўрланган тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, оптимал технологиялар ёрдамида чорвачилик учун озуқа базасини яратиш, вилоят тупроқ иқлим шароитига мос камёб дарахт ва буталарни In vitro услубида қупайтириш, вилоятдаги ёғмоий заводлари чиқиндиларидан экологик тоза кир совун ишлаб чиқариш, оқсилга бой қўзқорин етиштириш, экологик ҳавфсиз технологияда терини қайта ишлаш, саноат чиқиндисидан қурилиш учун рангли плитка ва гишт ишлаб чиқариш, қовундан мармелад тайёрлаш кўзда тутилмоқда.

— Мазкур лойиҳалар бутун вилоятимиз, жўмладан, бугунги кунда ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб бораётган, тупроқ шўрланиши кўчли бўлган чўл туманларда мавжуд бўлган муаммоларнинг тезроқ ечилишига хизмат қилиши шубҳасиз, — дейди “Эшнйё бобо” фермер ҳўжалиги раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Муртозақул Бўтаев. — Ёки иккиламчи деб ҳисобланадиган қовундан мармелад тайёрлаш лойиҳасини олинг. Нарй бoрса фақат қовунқоқи тайёрлашда ишлатиладиган бу маҳсулотнинг қанча-қанчаси ҳар йили чикиндига айланиб кетади. Ваҳоланки, унда экологик тоза, бозори қаққон мармелад тайёрлаш мумкин.

Ҳақиқатан ҳам, сўнгги икки йил ичида вилоят ҳудудларида салкам 50 минг тонна қовун ишлаб чиқарилган. Унинг атиги 2,5 фоизи экспорт қилинган, шунчакидан уруғлик олинган, 10 фоизга яқини аҳоли томонидан истеъмол қилинган, 40 фоизи эса исроф бўлган! Тўғри, исроф бўлган маҳсулот мутлақо йўқ бўлиб кетмаган, балки чорва учун озуқа сифатида ишлатилгандир. Шундай бўлса-да, барибир, 20 минг тонна қовундан қанча мармелад, пюре ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарса, бўлар эди?!

Дўстлик туманини инновацион ҳудудга айлантириш борасидаги режа ва лойиҳаларнинг умумий қиймати 4 миллиард 250 миллион сўмни ташкил этиши, улар амалга ошгандан кейин биринчи босқичда қаида 100 та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган. Шу факт ва рақамларнинг ўзиёқ бу борада бошланиб кетган ишларнинг улкан ижтимоий-иқтисодий натижасини тасдиқлаб турибди...

Манас —

Зеро, 6 300 нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилиб келган ушбу манзил ўша пайтда хароб қолга тушиб қолган, инфратузилма иншоотлари, қўча ва йўллар ташландиқ, ичимлик сув, иссиқлик, электр энергияси таъминоти издан чиққан, савдо, маданий-маърифий хизмат, сервис соҳалари талабга мувофиқ бeрмас эди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси ва алоҳида эътибори билан “Обод қишлоқ” дастури асосида қисқа муддат ичида мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Ҳудуддаги ноқонуний ва режасиз қурилмалар бузилиб, уларнинг ўрнида янги, замонавий ёрдамчи бинолар қад ростлади. Хиёбон ва қўчалар қўрқам кўриниш олди, аҳоли ҳовлиларига минглаб туپ меваги ва манзарали дарахт қўчатлари ўтказилди. Ичимлик сув ва электр тармоқлари янгиланди. Маданият саройи, мактаб ва боғчалар қад ростлади.

— Ҳамқишлоқларимиз ўзларини бир ухлаб, янги оламда ўйгонгандек ҳис қилишди, гўё, — дейди маҳалла раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг депутати Жаалил Ақа Кенжаев. — Улар “Дўст бошнинг иш тушганда билинади”, “Қўлдан қуён қочиб қўтилмас”, деган нақлларнинг ҳақиқлиги яна бир қарра ишонч ҳосил қилдилар.

Манасликларнинг ҳаётига катта таъсир кўрсатган, уларнинг қалбида бугунги ва эртанги кунга бўлган

ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!

Катта ўзгаришларга юз тутган туман

Ўтган асрнинг 60-йилларида Ўрта Осиёнинг кенг ва катта даштларидан бири — Мирзачўлнинг шимолий-ғарбий қисмида Пахтакор тумани ташкил бўлган эди.

Туман маркази ва унинг атрофида жойлашган ҳўжаликлар марказларида барпо бўлган бир-икки қаватли бинолар бундан ярим аср аввал қад ростлаган. Ўтган вақт ичида онда-сонда, шунда ҳам қўл учида, кўпинча, маҳаллий аҳолининг ўз кўчи ва маблаг би-лан таъмирланган ушбу турар-жойлар, шубҳасиз, моддий ва маънавий эскириб бўлганди. Айниқса, туман маркази

800 га яқин яқка тартибдаги янги турар жойлар барпо этилди. Бирин-кетин “Олтинкўл”, “Дўстлик”, “Тошкент”, “Ғалаба” деб номланган маҳаллалар пайдо бўлди. Йиллар да-вомида ночор қўлбаларда яшаб келган мингга яқин оила бир йилнинг ўзида янги турар жой билан таъминланди. Ана шу ҳудудларнинг қоқ ўртаси-да 440 нафар хотин-қизни доимий иш



Сўнгги йилларда маҳаллани одамларнинг дарду ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яқиндан биладиган тузилмага айлантириш борасида жиддий қадамлар ташланди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан “маҳаллабай” ишлаш тизимининг жорий этилиши аҳоли фаровонлигини юксалтириш, бандлигини таъминлаш ҳамда даромадини яхшилашга хизмат қилаётгани билан аҳамиятли.

БЎЙ КЎРСАТАЁТГАН ВОҲА

ҳисобланган Пахтакор шаҳрининг қоқ марказидаги 100 га яқин барак усули-да қурилган коммунал уйларнинг ҳоли ҳароб эди.

75 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган тумanning бошқа ҳудудларидаги ҳолат ҳам бундан ахши эмасди. Инфратузилма йўқ ҳисоби — йўллар, ичимлик сув, газ, иссиқлик, электр таъминоти талабга мутлақо жа-воб бермас, маданий-маиший хизмат кўрсатиш, сервис шохобчаларини са-нашга бармоқлар етиб ортарди.

Президентимизнинг 2019 йил 3 ян-вардаги “Жиззах вилоятининг комплекс ривожлантиришни давлат томонидан тартибга солиш ва бошқаришни са-марали моделини ишлаб чиқиш тўғри-сида”ги фармони билан воҳада “Йлгор ҳудуд” синов лойиҳасини амалга оши-риш натижасида Пахтакор тумани чин маънода буюк ўзгаришларга юз тутди.

Бу борадаги ишлар айнан ана ўша барак уйларда яшаб келаятган оила-ларга яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер ажратиб беришдан бошланди. Янги уй эгалари қурилиш учун имтиёзли кредит маблағлари билан таъминлан-ди. Уларга шифер, цемент, шагал каби қурилиш маҳсулотлари бепул етказиб берилди. Қисқа муддат ичида туман-даги 3 та массивда бош режа асосида

билан таъминлаган 2 та тикувчилик мажмуаси бунёд этилди. Корхоналар-га хорижий замонавий дастгоҳлари ўрнатилди.

Тўғриси, рўй берган ушбу воқеалар-га аввалига беписанд қараганлар бўл-ди. Мана, орадан икки-уч йил ўтмоқда. Нафақат Пахтакор тумани, балки бутун Жиззах вилояти ва республикамиз-да ижобий ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари кўлами кенгайса кенгаймоқда-ки, асло қамайгани йўқ.

Сўларимизни бундан бир ҳафта аввал туман ҳокимлигининг ахборот маркази томонидан тарқатилган мана шу хабар тасдиқлайди:

“Туманимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бора-сида амалга оширилаётган савобли ишлар натижаси ўлароқ, барча қўлай-ликларга эга бўлган, ҳар бири 12 хона-дода мўлжалланган иккита икки қават-ли ижтимоий уйлар ҳам таъминланган, ногирон ва меҳнатга лаёқати чекланган фуқароларга совға қилинди!

Ўзбекистон Республикаси Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ишчи ғуруҳи ўтган йили туманга ташри-фи давомида, “Олтинкўл” маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган, қури-лиш тугалланмаган биноларни туман ҳудудида яшовчи ижтимоий ҳимояга

муҳтож фуқароларга уй-жой сифатида қуриб беришга ишлатиш учун 6 мил-лиард сўмлик сертификат тақдим қил-ган эди. Ана шу маблагнинг мақсади ишлатилиши эвазига орадан бир йил ўтиб, 24 та оила бошлангли бўлди.

Айни кунларда туманда “Обод қиш-лок” ва “Обод маҳалла” дастурлари дои-расидаги ишлар давом этмоқда. Хусусан, “Пахтакор” қишлоқ фуқаролар йиғини биносида таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, электр таъминотини яхшилаш, ички йўллар, пйедалар йўлак-лар, иктимой соҳа объектиларни ре-конструкция қилиш, йўл бўйларига тўнги ёриткичларни ўрнатиш, борларини таъ-мирлаш билан боғлиқ тадбирлар жадал суръатларда олиб боришмоқда.

Туманда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги “Моддий ёр-дам ва кўмакка муҳтож оилаларни, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қаро-ри ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳам эъ-тирофга лойиқ. Жумладан, ҳудудда яшовчи 445 нафар йигит-қиз “Ёшлар дафтар”и га киритилди. Ушбу рўйхатда турувчи 370 нафар ёшлар энди ўзлари бошқа тенгдошларига ёрдам қўлини

чўзмоқда. Уларнинг 70 нафари дои-мий ишли бўлди, 67 нафари имтиёзли кредит олди, 160 кишига 50 сотихдан ер майдонлари ажратилиб, субсидия асосида уруғлик ва меҳнат қуроллари олиб берилди. Олийоҳларда таълим олаётган 14 нафар талабанинг кон-тракт пуллари тулаб берилди. — Туман ҳудудидаги чекка бир қиш-лоқда туғилиб, воғга етганман, — дейди Ўзбекистон Қўрамончи Анорбой Эшма-тов. — Оиламиз яшаган кotteж уй ўзим билан қарийб тенгдош. Таваллуд топан маконимни ёмон демайман-у, аммо ун-даги қўлайлик, агар уларни “қўлайлик” дейиш мумкин бўлса, бугунги кун тала-бига мутлақо жавоб бермайди. Шунинг учун бугун қурилатган уйлар, бирин-ке-тин қад ростлаётган ижтимоий соҳа ин-шоотлари, маданий-маиший объектлар, савдо шохобчаларини қуриб, улардан фойдаланувчи юртдошларимиз, айниқ-са, ёшларга ҳавасим келади.

Ҳа, бугунги Пахтакор Жиззах вило-ятининг йўл ҳудудларидан бирига айлانмоқда. Туманда саноат, қурилиш, қишлоқ ҳўжалиги, бошқа соҳалар ривож топаётди. Бутун мамлакатимизда сўн-ги 4-5 йил ичида рўй бераётган ижобий ўзгаришларнинг ўзига хос инъикосини қуриш мумкин бўлган бу туман ўзининг иккинчи ёшлигини бошидан кечирмоқда.

Улкан қурилиш майдонига айланган воҳа

Сўнгги йилларда Жиззах вилоятининг маркази Жиззах шаҳридан тортиб, то энг чеккадаги туман марказлари ва қишлоқларгача ўзига хос қурилиш майдонига айланди.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 майдаги “Зарафшон дарёси сувидан фойдаланиш ҳисобига Жиззах вилоятининг ичимлик суви таъминоти тизи-мини яхшилаш” лойиҳасини амалга оширишга доир ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди Бахмал, Ғаллаорол, Шароф Рашидов, Пахтакор, Дўстлик, Мирзачўл туманлари ва Жиззах шаҳри аҳолисини марказлашган ичимлик сув таъминотини яхшилаш кўзда тутилган, — дейди “Жиззах сув таъ-миноти” МЧЖ раҳбари Зокир Мамарасулов. — 187 километр узунликдаги ичимлик сув тармоқлари, сув тозалаш иншоотларини қуриш ва реконструкция қи-лиш кўзда тутилган. Бугунгача мазкур лойиҳа бўйи-ча 363 миллиард сўм ўзлаштирилди.

Янги Ўзбекистоннинг янги тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилган “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш айнан Жиззахда бошланди. Бу борадаги ишларга Дўст-лик туманидаги Манас қишлоғи, Мирзачўл тумани маркази Гагарин шаҳрида тамал тоши қўйилди. Мамнун бўладиган томони, бундай ишлар воҳа-нинг бошқа ҳудудларида ҳам кенг кўламда давом этди ва этмоқда. 2018-2021 йиллар оралиғида ушбу йўналишда 1 триллион сўмдан зиёд маблаг сарфланди. Натижада чекка ҳудудларда истиқо-мат қилаётган юртдошларимизга 107 та умумтаъ-лим мактаби, 34 та мактабгача таълим, 25 та соғлиқни сақлаш муассасаси, 450 дан зиёд кичик ишлаб чиқариш, савдо, маиший хизмат кўрсатиш

шохобчалари, ўнлаб ижтимоий соҳа объектлари тортиқ қилинди.

— Қишлоғимизнинг тарихи узок, у ҳақда Бобур-нинг шоҳ асарида ҳам кўп сатрлар битилган, — дейди Зомин туманидаги Пишагор маҳалласи раиси Сафар Эргашев. — 2021 йилда ана шу тарихга алоҳида саҳифа битиладиган бўлди. Ҳу-дудимизда “Обод қишлоқ” дастурига асосан катта ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозир улар тўғри-сида ортиқча гапириб ўтирмайман. Яхшиси, мус-тақиллигимизнинг 30 йиллиги тантана қилинаёт-ган кунларда Пишагорга меҳмон бўлиб келинг, бу ўзгаришларни ўзингиз кўрасин!

Ҳа, Жиззахда “Обод қишлоқ” ва ва “Обод маҳалла” дастурлари бўйича ишлар давом эт-моқда. Шу йилнинг ўзига 100 га яқин умумтаълим мактаби, мактабгача таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, маданият, спорт-соғломлаштириш иншоотлари, 150 дан ортиқ кичик ишлаб чиқариш, савдо, маиший хизмат кўрсатиш, сервис объект-лари фойдаланишга топширилади.

Вилоят ҳудудларида аҳолини уй-жой билан таъминлаш, фуқароларнинг яшаш шароитини яхшилаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш-моқда. Кейинги уч йил ичида “Қишлоқ қурилиш инвeст” ИК бюрoтмаси билан 825,1 миллиард сўм маблаг ҳисобига намунавий лойиҳалар асосида 3 970 та арзон уй-жойлар, “Ўзшаҳар қурилиш ин-вeст” ИК бюрoтмаси билан 302,2 миллиард сўмлик

36 та 7 қаватли турар жой бинолари фойдаланиш-га топширилди.

Бу борадаги ишларга хусусий сектор қўшаётган ҳисса ҳам салмоқли бўлаётди. Тадбиркорларнинг 331,7 миллиард сўмлик маблағлари эвазига 15 га яқин 4-7 қаватли уйлар қурилиб, фойдаланишга топширилгани бунинг тасдиғидир.

— Жиззахда нафақат инфратузилма ва ту-рар-жой бинолари, балки хорижий ва маҳаллий меҳмонларнинг эътиборини ўзига тортиши қўти-лаётган замонавий сайёҳлик объектлари, диққатга сазовор маданият ва спорт иншоотлари ҳам қад ростламоқда, — дейди вилоят “Нуроний” жағмар-маси раиси Норқул Нушаров. — Масалан, Жиззах шаҳрининг Сангзоркўл массивида велоспортнинг Олимпия йўнлари дастурига киритилган йўна-лишини ривожлантиришга мўлжалланган трасса барпо этилаётди. Мутахассислар Марказий Осиё-да ягона бўлади, деб ҳисоблаётган ушбу мажмуа қурилиши яқиний босқичда.

Бунёдкорлик ишлари кўламининг кундан-кунга кенгайиб боришига вилоятда қурилиш саноатининг ривож топаётгани ҳам қўшимча омили ва замин бўл-моқда. Сўнгги тўрт-беш йил ичида Зафаробод, Зо-мин, Форш туманларида цемент ва оҳак, Жиззах шаҳри, Пахтакор туманларида темир-бетон жиҳоз-лари, Ғаллаорол ва Зарбдор туманларида йиш ишлаб чиқариш корхоналари феолият бошлагани, қўйингки, воҳанинг ўзида энг замонавий, муҳташам ва мустаҳкам бино ва иншоотларни барпо этиш учун зарур бўладиган қарийб барча маҳсулот ва жиҳозларни ишлаб чиқариш имконияти мавжудли-ги бу сўзлар ҳақиқатини исботлаб турибди.

лашган, — дейди “Манас” фермер ҳўжаликлари ҳудудий уюшмаси раиси Ботир Абдиев. — “Тош-кент-Термиз” автойўлидан кунига у ёқдан бу ёққа ўтувчи минглаб юртдошларимиз, хорижий сайёҳ ва меҳмонлар айнан бизнинг маҳалламиз, унга туташ далаларга қараб, турмушимизга баҳо беришади. Бизнинг эса мактабимиз, қўз-қўз қилишга эътийдиган томонларимиз кўп. Менинг ўзим ғалла сазийиш борасидаги шартномани ортиги билан бажардим. Кам таъминланган оилаларнинг 15 нафар ёшлари-га деҳқончилик қилиш учун 1 гектардан ер ажратиб бердим. Улар бу майдонларда деҳқончилик қилиб, экин етиштириб, ота-онаси, оиласи даромадига ҳисса қўшади.

Ўтган ойнинг бошида Манас қишлоғининг бир ғуруҳ оқсоқоллари пойтахтимиздаги ҳашаматли “Хилтон” меҳмонхонасида Қирғизистон Республи-каси ҳукуматининг расмий делегацияси билан уч-рашди. Самимий ва дўстона тарзда ўтган мулоқот-да қўшни давлат бош вазири Улуғбек Марипов сўз олиб, Манасда бўлган янгилик ва ўзгаришлардан хабардор эканини, ушбу йилро ишлар ўзбек ва қирғиз халқлари ўртасидаги дўстлик ришталарин-нинг янада мустаҳкамланишига ҳисса қўшишини таъкидлади.

— Бишкеклик оғайниларимиз қишлоғимизнинг “Маржон” ансамбли учун қирғиз миллий либослари, миллий чоғлу асбоблари, 200 тадан ортиқ китоблар тортиқ қилишди, — дейди Жалил Кенжаев. — “Обод қишлоқ” дастури билан тарихга кирган, тилларда до-стон бўлган Манас ана шундай миллатлараро учра-шувлар, дўстона тадбирларга ҳам сабаб бўлмоқда. Энг муҳими — она қишлоғимнинг обод бўлиши кўн-гиллар ободлигига улашиб кетмоқда...



Қурилатган чора-тадбирлар аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг турмушини яхшилашга хиз-мат қилмоқда. Хусусан, “маҳаллабай” ишлаш ти-зими натижасида беш мингдан ортиқ фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Туман аҳолисининг 47 мингдан ортиғини 18-30 ёшдаги йигит-қизлар ташкил этмоқда. Шундан 4 000 дан ортиғи “Ёшлар дафтар”и га киритилган. Бугун уларнинг 3,5 мингга яқини бу дафтардан чиқарилди.

— Маҳаллалардаги фуқароларнинг муаммолари-ни ўрганганимизда, уларнинг имкониятларига алоҳида эътибор қаратяпмиз, — дейди Шароф Рашидов тумани ҳокими Маҳмуд Холбўтаев. — Ўрганишлар жараёни, бу ерда аҳоли қўнимкалари ва талаби кўпроқ тикувчилик, иссиқхона ва чорва-чилик билан боғлиқ эканини кўрсатиб. Бу йўналиш-лар далайвер соҳа сифатида белгилан олди. Шунингдек, тумандаги салохиятли тадбиркор, иш-билармонлар аниқланиб, уларни маҳаллаларга бириктириш ишлари ҳам йўлга қўйилди.

Яна бир муаммо масала, бу — аҳолини оилавий тадбиркорликка йўналтириш. Бунда албатта, маб-лаг масаласи муҳим. Маблаг эса асосан, кредит ҳисобига қопланади. Тан олиш керак, олдин фуқа-роларнинг имкониятини ҳисобга олмасдан кредит берилмаверган. “Маҳаллабай” тизими бошланган-дан кейин пастга тушиб, бу масалалар урганила бошланди. Масалан, фуқаро кредит олишга тай-ёрми? Унинг бизнесда тажрибаси борми, кредит берилса ундан самарали фойдалана оладими, деган саволларга жавоб топишмоқда. Эндilikда банк ходимлари уйма-уй юриб, Президентимиз ташаббуси билан жорий қилинган “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” га киритилган фуқароларнинг барча муаммоларини атрофлича ўрганиб, имкониятларини чамалаб, уларга тушун-ча бериб, шундан кейин кредит ажратилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, “маҳаллабай” тизими даромад атрофида мақсадларни, одамларни бир-лаштиришга хизмат қилмоқда.

Туманинг энг муаммолли ҳудудларидан санал-ган Равот маҳалласида 23 минг аҳоли истиқомат қилади. Ҳудудда бирорта йирик ишлаб чиқариш корхонаси мавжуд эмас. Лекин “маҳаллабай” ти-зими самарасида бу ернинг ўз имкониятларидан келиб чиқиб, ўсиш нуқталари белгиланди. Жум-ладан, ҳудуддаги ва ҳар бир хонадондаги қиш-лоқ ҳўжалик ерларидан унумли фойдаланиш

натижасида, фуқароларнинг нафақат бандлиги, балки фаровонлиги таъминланмоқда. Натижада, хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам ривожланыпти. Хусу-сан, “Ёшлар дафтари” га киритилган 70 дан ортиқ ёшларга ҳудуддаги лалми ғалла ер майдонла-ридан бир гектардан жой ажратилди. “Агробанк” маблағлари ҳисобидан бешта қудуқ қазилиб, сув муаммоси ҳал этилди. Бу ерда полиз ва қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштирилмоқда.

Ҳудуддаги Умар маҳалласида “Обод маҳалла” дастури доирасида бошланган ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари аҳолининг ишончини мус-таҳкамламоқда. Бугун дастур доирасида амалга оширилган ишлар натижасида, қишлоқ мўъжа-гина шаҳарча қуринишини олмақда. Қўчалар асфальтланди, электр узатиш тизими, газ қувур-лари янгиланди, хонадонлар таъмирланди. Энг муҳими бу ишларга фуқароларнинг ўзлари ҳам ҳисса қўшаётгани қувонарлидир.

— Маҳалламизда 4 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, — дейди Умар маҳалла фуқаро-лар йиғини раиси Жасурбек Азимов. — Очигини айтман, маҳалламизга бир йил олдин келган одам бугун уни танимайди. “Обод маҳалла” дасту-ри доирасида амалга оширилган ишлар, чиндан ҳам, одамларда эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлади. Бугунги ислохотларни ҳар бир киши ўз кўнглидан ўтказиб ҳис қилмоқда. Шунинг учун ҳам кўп ишлар бевосита фуқаролар ташаббу-си ва кўмаги билан амалга оширилмоқда.

Ўтган давр мубайнида ҳар бир хонадонга ки-риб, аҳоли муаммолари ўрганилди. Натижада

Маҳалла одамлари ҳаёти кун сайин яхшиланмоқда

29 та оила “Темир дафтар” га киритилди. Бугунги кунда уларнинг 26 нафари маҳалладаги тадбир-корлар кўмаги, имтиёзли кредитлар эвазига даф-тардан чиқарилди. Ўрганишлар жараёнида 150 нафар ишсиз хотин-қиз аниқланиб, “Аёллар даф-тари” да рўйхатга олинди. Айни пайтда бу фуқаро-ларга уларнинг талаб ва имкониятидан келиб чиқиб иссиқхона, баъзиларига тикув машиналари, паррандачилик, қўёнчилик билан шуғулланаман, деганларига товук ва қўёнлар олиб берилди.

— Олдин ижарага ер олиб, шартнома асосида меҳнат қилардик, — дейди Умар маҳалласида истиқомат қилувчи Шухрат Абдуллаев. — Жори йилда ҳеч қандай шартларсиз 1 гектар ер ажратиб берилди. Бу ерга тарвуз экдик. Деҳқон-чиликда ҳисоб-китоб жуда муҳим. Ҳаммасини олдиндан пухта ўйлаб бажариш керак. Масалан, мана шу 1 гектар ер майдонига 7 000 тул тарвуз кўчати қадалди. Ҳосил тайёр ҳолга келгунича 10 миллион сўмлик ҳаражат талаб этилади. Даромад эса 50 миллион сўмдан ошади. Ал-батта, давлатимиз томонидан яратиб берилган бундай шароит учун миннатдорчилик билдириш билан бирга, ундан унумли фойдаланишни ҳам билишимиз керак.

Жорий йилнинг январь-февраль ойларида ту-маннинг 37 мингдан ортиқ хонадони бирма-бир тегишли мутасаддилар томонидан хатловдан ўт-казилди. Унга қўра, 5 000 дан ортиқ фуқаронинг ои-лавий тадбиркорликини йўлга қўйиши учун кредитга талаби борлиги аниқланди. Бугунги кунга қадар 2 000 дан ортиқ фуқарога 56,8 миллиард сўмлик кре-дитлар ажратилди. Жумладан, 9 миллиард сўмга яқин кредит 359 хонадонга иссиқхона ташкил этиш учун йўналтирилди. Пировардида, юзлаб оилалар камбағалликдан чиқди, яна юзлаб фуқаролар дои-мий даромад манбаига эга бўлди.

Бир сўз билан айтганда, “маҳаллабай” ишлаш тизими натижасида тумандаги 2 739 эҳтиёжманд оиладан 2 564 таси “Темир дафтар”дан, ишсиз бўлган 4 000 дан ортиқ йигит-қиздан 2 000 га яқини “Ёшлар дафтари”дан чиқарилди. “Аёллар дафтари” рўйхатига олинган 7 700 фуқаронинг муаммолари масалалари эса тўлиқ бартараф этил-ди. Уйма-уй юриш ва тадбиркорликка кўмакла-шиш натижасида бу кўрсаткичлар янада қамай-иши кутилмоқда. Токи ҳудуддаги ҳеч бир оилада ишсизлик ва камбағаллик тушунчаси қолмасин, деган мақсад қўйилган.

Қўш саҳифани “Янги Ўзбекистон” муҳбири Худойберди КАРИМОВ тайёрлади.

халқлар дўстлиги ифодаси



қомил ишончини аланглатган мазкур ишларга дав-лат ва жамоат ташкилотлари, йирик ишлаб чиқа-риш корхоналари, тижорат банклари, маҳаллий хо-

Бу опадан хабарим бор, эшитиб жуда хурсанд бўлдим. Оилавий болалар уйини ўзи ташкил қилган. Мингдан-минг раҳмат, бу фидойи аёлга! Қирқта болага ота-оналик қилаётгани учун яна бир бор Раҳимахон опага ўз миннатдорчилигимни билдираман!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ОДАМИЙЛИК

“Ўнта бўлса ўрни бошқа, қирқта бўлса қилиғи”, дейилмиш мақол халқимизнинг болажонлигига берилган баҳо. Орамизда Раҳимахон опадек инсонлар бор экан, қадим қадриятлар ҳеч қачон завоёл топмайди, янгидан-янги мазмун ва моҳият касб этаверади.

Бутун умрини ёш авлод тарбиясига бахшида қилган, ўттиз йилдан ошқик вақт мобайлида туман ва вилоят халқ таълими тизимига раҳбарлик қилган ажойиб педагог Собиржон ака Шарипов айтмиш куйидаги фикрлар қатига фидойи аёлнинг бутун борлиги, меҳнату машаққатлари намойиш:

“Раҳимахон опа олийгоҳни тугатиб, мактабгача таълим тизимида ишлади. Анча муддат вилоят халқ таълими бошқармасида айнан шу соҳа бўйича услубчи вазифасини бажарди. Шу даврларда, яъни бундан деярли ўн беш йиллар олдин оилавий болалар уйи очилиш тақдирини билан ҳузуримга кирди. Опанинг мақсадига қарши чиққанлар бўлди: “Одамлар ёлғиз фарзанди билан мол-мулк талашиб, судлашиб юрганларини кўряпмиз. Сиз бегона болаларга уйингиз тўридан жой бермоқчимисиз?” дейишганди ушанда улар. Опа ўз фикрида қатъий турди ва вилоятда дастлабки шундай даргоҳни очди. Ушанда кўп йиллар ишлагандан ётган эски боғча биносини опага ажратиб беришди. Халқимизда “Эскини тузатгунча эсинг кетади”, деган гап бор. Ташландиқ даргоҳни эпаккага келтиришнинг ўзи бўлмади. Маҳаллий ҳокимлик ва халқ таълими тизими имконини қадар кўмак берди. Опанинг болажонлиги, касбига садоқати туфайли бу маскан таъмирланди, яшаб қолди. Ахир ўша даврда юртимизда синов тарикасида саккизта шундай оилавий болалар уйи ташкил қилинган ва вақт ўтиб, барчаси ёпилиб кетганди...”



МУЛОҲАЗА

Шамсиддин УСМОНОВ,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиали директори

Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган туб ислохотлар замирида халқни рози қилиш, одамларнинг тинч-фаровон ҳаётини таъминлаш, ёшларнинг касб-хунари, илмли бўлиши учун зарур шарт-шароит яратишдек олижаноб мақсад мавжуд.

Келинг, узокқа бормайлик, сўнгги 3-4 йилда биргина олий таълим соҳасидаги ислохотларга назар солайлик. Аввало, таълимнинг бу босқичига қамров даражаси сезиларли даражада оширилди. Жумладан, охириги 3 йилда юртимизда олий таълим муассасалари сони 65 тадан 117 тага етди, талабалikka қабул ўрни 66 мингтадан 181 мингтага ошди. Профессор-ўқитувчиларнинг ойлик маоши оширилди.

Давлатимиз раҳбари юртимизнинг қай гўшасига бормасин, қайси соҳа вакилла-

ри билан суҳбатлашмасин, биринчи ўринда уларнинг муаммоларини ҳал этиш, жойлардаги камчиликларни тузатиш ҳаракатида бўлади.

2017 йил июнь ойи. Президентимиз Қўқонга ташриф бурди. Ташрифдан сўнг бу шаҳарда ҳеч ким тасаввур ҳам қилмаган, қутилмаган ўзгаришлар содир бўлди. Қўқон театрида маданият соҳаси вакиллари билан учрашар экан, театрнинг халқ орасидаги обрўйи ва нуфузини ошириш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Театрда 100 га яқин иқтидор эгалари фаолият юритади. Лекин уларнинг аксарияти олий маълумотли эмаслиги, Тошкентга бориб ўқиш учун шароити йўқлигини биларди. Шу боис, Шавкат Мирзиёев актёр ва режиссёрларнинг малакасини ошириш, театри олий маълумотли кадрлар билан таъминлаш, ёш мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратди. Шундай қилиб, Президентимиз ташаббуси билан 2017 йил август ойида Қўқон шаҳрида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият

ОСМОНЛАРИ КЕНТ
ҲОВЛИ БЕКАСИ



миз оиласидан норози бўлиб келгани йўқ. Ҳамма кудаларимиз шундай фарзандлар тарбиялаганимиз учун биздан миннатдор. Байрам кунларида уйимиз мисли тўйхона бўлиб кетади — кудалар, қизлар, неваралар келишади...

Урганч шаҳри чеккаси, Урганч ҳалқаро аэропортининг шундоқ биқинида, Юқорибоғ қишлоғининг Қипчоқ маҳалласи ҳудудида жойлашган қўшқаватли хонадон бугун юртимизда машҳур. Ўн етти йил аввал эски бинода меҳрга муҳтож болажонларга бағрини очган Раҳимахон опа икки йил аввал ўз маблаг ҳисобидан шу кўркам иморатни тиклади. У ёғи Қорақалпоғистон, бу ёғи Хоразмнинг барча туманларидан келиб, яхлит оила ташкил қилган болажонлар учун замонавий яшаш маскани керак эди-да, ахир. Шу иморатни қуриш учун Раҳимахон опа шахар марказидаги ҳовлисини, кўпқаватли турар жойдаги кватираси ва “Нексия” машинасини сотди. Етмади. Ўғли ва неварлари пул топиш учун хорижга ишга кетишди. Топганини ўртага ташлади ва шу кўркам хонадон тикланди.

Гарчи низомда оилавий болалар уйи ўнта болага мўлжалланган бўлса-да, айрим йиллари болалар сони 18 нафарга етган. Уларни доимо сот-қатқ ва туҳмун билан таъминлаш учун опа икки бош сигир, эллик бош парранда парвариш қилган. Шу ўринда бир вақтнинг ўзига мактабда ўн тўрт нафар боласи таълим олаётган онаизор аҳволини тасаввур қилинг! Гар-

чи, улар ўқиган ва ўқиётган умумтаълим мактаби уйларида беш юз қадам нарида бўлса-да, опанинг қўлоқлари-ю нигоҳлари ҳаммаша мактаб томонида бўларди.

— Ўн олти йил шу катта оилани ўзим бошқардим. Пенсияга чиққач, бор уй-ҳаёлим катта оиламиз ташвишларига кўмилди. 2019 йилдан давлатимиз эътибори туфайли уйимизга бир тарбиячи ва психолог штати ажратилди. Болажонларимизнинг яхши еб-ичиши, бошқа болалар каби кийиниши учун етарли маблағ ажратила бошланди. Болапарвар Президентимизга мингдан-минг раҳмат!

Опа миннатдорчилиқни бугун айтмоқда. Ўша даврларда эса...

Бошида оилавий болалар уйига бир нафар тарбиячи ажратилганди. Тарбиячи кундузи ишлайди, белгиланган вазифасини бажарди. Кейин — бутун тун болажонлар сеvimли онаси бағрида қолади. Тўрт маҳал овқатланиши, мактабдан берилган уй вазифаларини тайёрлаши ва вақтида ухлаши керак. Бир вақтнинг ўзига ўн саккиз нафар болага қарашнинг ўзи бўладими? Бунга фақат жисми меҳрга қорилган, иродаси метин АЁЛ қодир!

Болалар еб-ичишлари учун ҳар кун бозор қилишга тўғри келарди. Бозордан оз ҳаражат қилинмайдди. Бунинг учун эса енгил машина керак. Аввалида озроқ маблағ жамғариб, бу хизматлар учун “Матиз” олишганди. Аммо айрим харажатлар учун пул зарур бўлиб қолганида бу машинани сотишди ва нисбатан арзон “Тико” олишди...

Катта оиланинг сарф-харажатлари катта-да!

Раҳимахон опа юртимизда энг бой аёл, аммо тағида энг сўнгги русумдаги енгил машинаси йўқ. Вақт келиб, фарзандлари оналарини энг сўнгги русумдаги машинада олиб юришларига ишонамиз!

Метин иродали аёл!
Бу сифатлашимиз бежиз эмас!
Оилавий болалар уйига ота-онаси ажрашган, ўртада сарсон қолган болалар ҳокимлик қарори билан келтирилади. Шунингдек, оталик ёки оналикдан маҳрум қилинганларнинг болалари ҳам суд қарорига асосан, Раҳимахон опага фарзанд қилиб берилади. Ўн нафар болакайни айнан яшаш жойи йўқлиги, кўчада сарсон қолиб кетгани учун келтирилган бу хонадонга.

Келтирилган болалар орасида олтинчи синфга ўқиши керак бўлган, аммо бирор кун мактабга бормаган, ўқишу ёзишни билмаган болалар ҳам бўлганига қийналмасликлари учун барча ишни қилган. Булар айтишга осон...

— Ҳудода шўқур, фарзандларим ўқувли. Комронбек олийгоҳга ҳужжат топширди, имтиҳонларга пухта тайёрланяпти. Албатта, тез кунларда талабалар қаторидан жой олади. Президентимиз томонидан унга берилган имтиёз ҳам бор. Яна бир қизим репетиторга қатнаяпти, келажакда олий маълумотли мутахассис бўлиш орзуси бор. Тиришқоқлиги шунчаликки, репетиторга қатнаш асосида ўзига сабоқ бераётган муаллимнинг фарзандини математика фанидан ўқишга тайёрлаяпти. Математикага қизиқиши зўр-да!

Раҳимахон опа фарзандлари ҳақида, уларнинг келажаги тўғрисида фахр билан гапирарди. Номма-ном санайди ва баъзида исмларида адашиб ҳам кетади...

Бутун опанинг нечта фарзанди, нечта невараси ва чевараси борлиги ҳақидаги саволимиз ҳам шу сабаб жавобсиз қолади.

— Санашни ёқтирмайман, ирим қиламан! — дейди опа.

Оиланинг энг кенжатайи бўлмиш беш яшар Улуғбекка савол берамиз:

— Онанинг сизни яхши кўрадимиз? — Президентимиз нигоҳларида қувонч ифодалари акс этади:

— Йошши гўради.

— Уйингизни яхши кўрасанми?

— Йошши гўраман!

— Нимасини яхши кўрасан?

“КЕЛТИРИЛГАН БОЛАЛАР ОРАСИДА ОЛТИНЧИ СИНФГА ЎҚИШИ КЕРАК БЎЛГАН, АММО БИРОР КУН МАКТАБГА БОРМАГАН, ЎҚИШУ ЁЗИШНИ БИЛМАГАН БОЛАЛАР ҲАМ БЎЛГАНИГА ИШОНАСИЗМИ? ИШОНИНГ! АСЛИ ПЕДАГОГ БЎЛГАН РАҲИМАХОН ОПА БУ ЎРИНДА НАФАҚАТ ОНА, БАЛКИ МУАЛЛИМ ВАЗИФАСИНИ ЕЛКАСИГА ОЛГАН, БОЛАЛАР САВОДИНИ ЧИҚАРИШ, УЛАРНИ ҲАЁТДА ЎЗ ЎРИНЛАРИНИ ТОПИШДА ҚИЙНАЛМАСЛИКЛАРИ УЧУН БАРЧА ИШНИ ҚИЛГАН. БУЛАР АЙТИШГА ОСОН...”

Улуғбек бир зум жим қолади ва сўнг митти кўзларини самога тикканча бундай жавоб беради:

— Уйимизнинг осмонлари катта!

Аллақачон олти мучал ёшини яшаган, шунинг салкам ўн етти йилини катта оила бекаси сифатида кўплаб фарзандлар тарбиясига бахшида қилаётган опанинг кечая кундуз тиними йўқ. Суҳбатимиз ҳам шу сабаб тез-тез бўлиниб турди. Бир ёқда катта ҳовлида қиш учун помидор тузлаётган қизлари ишини назорат қилиш, бир ёқда иморатда таъмир ишлари билан машғул усталарга керакли нарсаларни топиб бериш ташвиши...

Шу ёшда катта ҳовлида епиб-югуриб юрган Раҳимахон опанинг қарчаш нималигини билмаслигига қойил қоласиз. Бу аёлнинг жисми тупроқдан яралганимкан ўзи, деган ўй утади ҳаёдан.

Президентимиз Тошкентдаги “Меҳрибонлик уйи” тарбияланувчилари билан учрашган, айнан шу соҳага эътибор қаратишга бағишланган видеоселектор йиғилишида Раҳимахон опа Дурдиевани бежиз тилга олмади, ахир!

Орамизда шундай қаҳрамон инсонлар бор экан, буюк келажакимиз пойдевори нақадар мустаҳкам қурилаётганига қайта ва қайта ишонч ҳосил қилаверамиз.

Рўзимбой ҲАСАН,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ВАТАН МЕҲР ВА САДОҚАТ, МАЪРИФАТ
ВА МАЪНАВИЯТ БИЛАН ОБОД БЎЛАДИ



институтининг Фарғона минтақавий филиали ташкил этилди. Дастлаб, 24 нафар талаба билан фаолият бошлаган филиал бугун талабалар билан гавжум. Уларнинг сони 1000 нафарга яқинлашди. Йўналишлар эса, 1 тадан 13 тага етказилди.

— Режиссёр бўлиш болалиқдаги орзум, — дейди филиал талабаси Ҳилола

Абдуқодинова. — Лекин қишлоғимиздаги аксарият ота-оналар қизларининг уйдан узокда ўқишини хоҳлашмайди. Шу жумладан, менинг ҳам. Бу мен учун ҳақиқий фожиа эди. Нахотки режиссёр бўла олмасам, шунча йиллик орзум армон бўлиб қолса, деган саволлар тинчлик бермасди. Шу маънода филиалнинг очилишидан

ҳаммадан кўра, кўпроқ мен қувонган бўлсам керак, деб ўйлайман. Филиал мен ва мен каби кўплаб қизларнинг орзуларига қанот бўлди. Ҳозирда устозлар кўмағида бадиий фильм олаётганимиз ана шундай интилишларимиз, бизга берилган имкониятлар самараси деб ўйлайман.

Филиалимизда 110 нафар ўқитувчи ва ходим бўлиб, уларнинг 21 нафари профессор-ўқитувчилардир. Булар орасида Ўзбекистон халқ артисти Шафоат ая Раҳматуллаева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Хурсанода Умарова, Муҳсин Мўминов, санъат арбоби Карим Йўлдошев каби катта устоз санъаткорлар бор.

— Филиалнинг очилиши водийлик барча ёш қарининг дилидаги иш бўлди. Президентимиз шарофати билан бугун ўзим туғилиб ўсган вилоятимда фарзандларимга санъатини бериш бахти nasib этди, — дейди Шафоат ая. — Қўқон театрининг ёнгинасида санъат ва маданият ходимларига қулайлик яратиш учун 36 хонадондан иборат уй қурилиб, ўз эгаларига топширилган. Давлатимиз томонидан

менга ҳам хонадон берилган. Ҳам театрда фаолият олиб бораман, ҳам филиалда дарс бераман. Аллоҳга шўқур, ҳар икки жойда ҳам ҳурмат-эътибор, меҳр-муҳаббат қушоғидаман.

Инсон неъматларга шўқур қилар экан, улар зиёда бўлиб бораверади. Неъматлар ичидан энг буюғи эса иймондир, илмдир. Президентимиз таъбири билан айтганда, “илм бўлмаса, ривожланиш бўлмайди”. Таълим тизимидаги ишлар шу тарзда изчил давом эттирилар экан, мамлакатимиз ҳеч қачон ривожланишдан тўхтамайди. Бугун теварак-атрофга назар солар экансиз, юртдошларимиз озида бахтни, ҳаётдан мамнунлиқни, кўзларида эртанги кунга ишончни кўрасиз. Бунинг бойси, юртимиздаги тинчлик, осойишталикдир.

Жаҳонда ғоявий-мафкуравий қурашлар кескин давом этаётган, маънавий таҳдидлар қучайиб бораётган ҳозирги даврда Ватанимиздаги юксалишларни, ўзгаришларни, тинч-фаровон ҳаётимизни эътироф этиш, қувончи ўрнига турли бўҳтонлар қилишга уринаётган миллатдошларимиз ҳам, афсуски, йўқ эмас. Хориждан туриб ўз Она ватанига, халқига тош отаётган кимсалар сўзлари аслида совун пуфағи сингари пуч, маза-матрасиз гапдан бошқа нарсас эмас. Лекин ўзини маънавиятли, маданиятли деб билган киши “олисдаги олоқ” каби иш тутмайди. Ватан эса меҳр ва садоқат, маърифат ва маънавият билан обод бўлади.